# Оила ва жамият

Газета 1991 йил 1 сентябрдан чиқа бошлаган

29 (923) сон
9 июль — 15 июль 2009 йил
Web-site: oilavajamiyat. uz


4



«ТУНГИ КЛУБ»ЛАР КИМЛАРНИ ЧОРЛАЯПТИ?

11

КЕЧИККАН БАХТ



ЧЎЛДАН КЕЛГАН ТАШВИШ

15



16



КЎРНАМАКЛИК БАЛОСИ

## БОЗОРЛАРИМИЗНИНГ ОБОДЛИГИ — ЮРТИМИЗНИНГ ТЎКИНЛИГИ, ФАРОВОНЛИГИНИ БЕЛГИЛАЙДИ



Илҳом ЖУМАНОВ сурат-лавҳаси

## КЕЧА:

➔ Мамлакатимизнинг Туркманистондаги элчихонасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг туркман ва ўзбек тилларида чоп этилган “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари” китобининг тақдимоти бўлиб ўтди.

➔ Ўтган ҳафта Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси фаоллар кенгашининг кенгайтирилган йиғилишида Президентимизнинг мазкур уюшма фаолиятининг самарадорлигини ошириш ҳамда миллий адабиётимизни янада ривожлантириш бўйича адабий жамоатчилик, қолаверса, ижодкор-зиёлилар олдида турган энг муҳим вазифалар хусусида кенг қамраб олинган фикр-мулоҳазалари таништирилди ва матбуотда эълон қилинди.

## БУГУН:

➔ Халқимиз дастурхонини тўкин қилиш йўлида йил бўйи пешона терларини тўкиб меҳнат қилган ғаллакорларимиз эришаётган муваффақиятлар анча салмоқли. Андижон, Сурхондарё, Бухоро, Хоразм, Навоий, Қашқадарё, Тошкент вилоятлари аллақачон шартнома режаларини уддалаб бўлишди.

➔ Тошкент шаҳрининг 2200 йиллиги арафасида пойтахтимизнинг ҳар бир тумани ҳамда маҳалла-кўчаларида улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилаётир. Уларни бирмабир санаб саноғига етиш мушкул. Минг бора эшитгандан кўра...

## ЭРТАГА:

➔ Юртимизда Жаҳон халқлари куни (11 июль) ни нишонлашга катта ҳозирлик кўрилаётир.

➔ Бундан беш йил аввал (2004 йил) шахмат бўйича Жаҳон чемпиони бўлган Рустам Қосимжонов куни кеча Испаниянинг Сан-Себастьян шаҳрида бошланган халқаро шахмат фестивалида юртимиз шарафини ҳимоя қилади.

## “ОБУНА — 2010”

*Шу йилнинг 1 июлидан бошлаб келгуси йил учун ОБУНА бошланганини эшитдингизми?*

*“Оила ва жамият”ни ўз оиласининг яна бир ҳақиқий аъзоси сифатида қадрлаб, биз билан ҳамфикр, дардкаш бўлиб келаётган муҳтарам муштарийлар!*

*Вақтни ғанимат деймиз, аслида эса дийдор ҳам ғаниматдир. Шундай экан, биз билан сал кам ўн саккиз йилдан бери гоҳи ғойибона, гоҳи юзма-юз дийдорлашаётган содиқ газетхонлар, келгуси йилда ҳам “Оила ва жамият” хонадонингизга беминнат (“сотиб олиб ўқирман” деганлар айрим шаҳар ва туманлардаги газета дўконларидан нашримизни топа олмаётганликлари ҳақида кўп бора ёзишаяпти) кириб боришини истасангиз, яхшиси, обуна бўлганингиз минг карра маъқул.*

**ДЕМАК, ОБУНА БОШЛАНДИ!**

## ГАЗЕТА САҲИФАЛАРИДА:


Чевар бўлмаса, ҳеч ким келин қилмайди 2

Етмиш йилдан сўнг... онасини «топган» момо 3

Тўйга бориб «тўясан», концертга кириб эса... 5

Чимилдиққа фақат... келин кирди! 7

«Уголок»нинг ҳеч ким билмайдиган сири 13

«Ўзим пиширган ош» 14

Ёлғизликдан худо асрасин! 16

# БОЙСУН ҚИЗЛАРИ

МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАР

## чевар бўлмаса, ҳеч ким келин қилмайди



Бойсунда кашта тикишни билмаган қиз йўқ. Чунки ҳар бирининг сепида ўз қўли билан тиккан кашта бўлиши шарт. Шу боис улар болалигиданоқ тикишни ўрганади. Мен ҳам бўй қизлигимда дугоналарим билан ҳовуз бўйидаги супамизда ўтириб кашта тикардим.

Биз бир-биримизга янги усулдаги кашталар тикишни ўргатардик, тикиш билан бирга мен ўқиган китобларимни дугоналаримга сўзлаб берардим. Улар ҳам ўрганиб қолишган, кашта тикиш учун йиғилган кунимиз албатта мендан янги ўқиган китобимни айтиб беришимни сўрашарди. Буюк адиблар Жек Лондон, Лев Толстой, Чингиз Айтматов асарларини дугоналарим жуда қизиқиш билан эшитишарди.

Биз «оқ» ва «қора» кашталар тикардик. Айниқса, «висол» ҳар бир қиз сепининг энг сараси ҳисобланарди. Тўй кечаси гиламга ёпиштириб қўйиладиган бу каштанинг бир неча хили бўларди. «Висол»нинг битиши, тўйнинг белгиланиши эди. Биз янги тушган келинни уйига кашта кўргани борардик, янги-янги нақш ва гуллардан нусха олардик.

Маҳалламизга Мастура деган келин тушди. Ҳамма унинг кашталарини мақтар, қизлар ундан улги олиш учун навбат кутишар эди. Шунда мен ҳам икки-уч ўртоғим билан бордим. Уйга кирдигу, ҳайратдан тўхтаб қолдим. Деразага тортилган сурп пардага тикилган гуллар худди табиийдек шунақа чиройли эдики кўзимни узолмасдим. Айниқса, деворни бутунисича қоплаб олган зардевол бетакрор эди. Ям-яшил майсазор, унда ўтлаб юрган оҳулар гўёки жонли, биттасининг оғзида бир чимдим майса, бошини кўтариб сергаклик билан атрофни кузатмоқда. Манзара шунақаям гўзал эдики, беихтиёр шу ерга боргингиз келиб қоларди. «Висол»ни айтмайсизми, биз севган ҳинд қаҳрамонлари каби гўзал ва мафтункор эди ундаги йигит ва қиз. Палакнинг доираси ичидаги ранго ранг гуллар эса эртакдаги чаманзорни эслатарди. Бу келиннинг чеварлигига, дидига биз ҳам тан бердик. Мен у ерда кўрган палак, сўзаналардаги гул ва нақшларнинг фалсафий-эстетик маъно англатишини йиллар ўтиб тушундим. Бу мовий осмон тасвири эди, ундаги 8 та айлана 8 та сайёра, айлананинг ичидаги бир-бирига туташган гуллар ҳаётнинг давомийлигига ишора эди. Демак, кашталар халқимизнинг фалсафий-эстетик дунёқараши, орзу умидларининг баёни ҳам экан. Балки шу сабаб ҳам улар замонлар оша яшаб келаётгандир.

Менинг сепимда ҳам ўзим тиккан кашталар бор. Уларни ҳар кўрганимда дугоналарим билан кечган бетакрор дамларим ёдимга тушиб, завқланиб кетаман. Айниқса, маҳалланинг чевари Хадича янга тикиб берган сўзанадаги нақш ва гулларнинг жозибаси, рангларининг уйғунлигини кўриб ҳайратланаман. Бу ўлмас анъаналар неча йилларки, момоларимиздан мерос бўлиб келмоқда. Аммо қанийди, барча келинларнинг уйини залворли жиҳозлар билан бирга чиройли кашталар безаса, тўйда осиғлиқ гиламлар «висол»лардан кўзни қамаштирса. Қуда-андаларни жиҳознинг «ўзимизники» эканлиги-ю, сарпо-суруқ, тоғоранинг камлиги эмас, балки сепда қизлар ўз қўллари билан тиккан кашталарнинг бор-йўқлиги билан ҳам қизиқтирса деб орзу қиламан.

Бойсунда эса қизлар ҳамон сепига кашта тикишади. Юрак қатидаги сирли орзуларини матога «муҳрлашади». Менинг ҳам қизларим бор. Бойсунга борсам, албатта энг чиройли гул ва нақшларни чиздириб келаман!

**Насиба АБДУЛЛАЕВА**

# ОТА МАКОНДАН АЙРИЛМАЙЛИК!

КЎЗГУ

Самарқанддаги мўъжазгина бу маҳаллага кириб Дилбар опани сўрасангиз, етти ёшдан етмиш ёшгача танийди, қадрлайди. Остонасидан одам аримайди. Чунки опанинг қўлидан келмайдиган иш йўқ:бешик ёпинчиқлари дейсизми, гулдор кўрпа-ёстиқлар, келинларнинг миллий либослари дейсизми, ҳаммасини шундай нозик дид билан бажарадики, кўрган кўз қувнайди. Яна бир сабаби, опанинг қўни-қўшни-ю, маҳалладан ёрдамини сира аямаслигида. Шунинг учун ҳам у киши тўю маърака бошладими, уйидан одам узилмайди. «Нима хизмат?», дея ишга шай туришади. Опа фарзандлар учун таълимнинг нечоғли муҳим эканини англаган ҳолда, ўша маҳаллада жойлашган мактаб билан доим ҳамкорлик қилиб келади. Бешала фарзандининг ҳаммаси олий маълумотли бўлиш билан бирга онасининг ҳунаридан ҳам хабардор. Бу оиланинг барча эътиборли, яхши томонларини айтаяпман-у, аммо улар бундай тотувликка, бахтли онларга осонгина эришган йўқ.

— Раҳматли турмуш ўртоғим собиқ иттифоқ тузумида туҳматдан қамалиб қолди, деб ҳикоя қилади Дилбар опа маҳзун оҳангда. — У кишининг ортидан ҳатто Сибир қамоқхоналаригача бориб келганман. Эҳ-ҳе, ҳужайинимни туҳмат балосидан олиб чиқиш учун қанча идораларнинг эшигига бош суққанман, неча ўнлаб одамларга ялиниб, қанчасининг дўқ-пўписаси остида қолганман. Бир ёқда болаларим ёлғиз, ҳатто ош-овқатсиз қолган кунлари ҳам бўлган. Вақт — ҳакам деганларидек, турмуш ўртоғим оқланди. Аммо бу дилхираликлар ўз таъсирини кўрсатмай қолмади, оғир хасталикка чалиндилар. Шукур, фарзандларимизнинг иқболини кўриб кетдилар.

Ҳаёт давом этаверар экан. Болаларимнинг зиёлилиги ва энг муҳими, ўз юртини эъзозлаши мени қувонтиради. Биласизми, ўғлимда ҳам, қизларимда ҳам чет элда қолиб ишлаш, яшаш имкони жуда кўп бўлган. Аммо улар она тупроқдан айро яшашни тасаввур ҳам қилиша олмайди. Бир куни ҳазил-чин аралаш: «Ҳеч қурса шу ҳовлини сотиб пойтахтда яшасак-чи?», десам, ўғлим: «Ойижон, ота ҳовлида хайр-барака бўлади. Бизнинг томиримиз шу жойда кўкарган. Узилиб кетолмаймиз!» — деди. Бу жавобни эшитиб кўзларимга ёш келди.

Балки икки йил чет элда ўқиб, мусофирчиликни кўрганлиги унга сабоқ бўлгандир. Ёки бир пайтлар отасини кутиб, йўл қараганлари қалбига ўрнашиб қолганмикан? Буни бир сўз билан ифодалаш қийин, албатта. Шу боис ҳар доим туну кун ният қиламан: ҳеч кимга Ватандан айрилиш насиб этмасин!

**Гулруҳ МЎМИНОВА,**
**«Оила ва жамият» мухбири.**



Мактаб деганда кўпчилигимиз оддий ўқувчилар таҳсил кўрадиган масканларни тасаввур қиламиз. Лекин бу дунёда ҲАЁТ аталмиш яна бир улуғ даргоҳ борки, унинг илму фанларини эгаллаш осон эмас. Шу ўринда кейинги йилларда бевосита Адлия вазирлиги ташаббуси билан барча ҳудудлардаги ФҲДЁ бўлимлари ҳузурида ташкил этилаётган " Ёш келин-куёвлар мактаби"даги машғулотлар ҳаётийлиги ва долзарблиги билан алоҳида таҳсинга сазовор.

— Ҳар ҳафтанинг сешанбасида мунтазам равишда ўтказилаётган ушбу сабоқларга балоғат ёшига етган ва оила қуриш остонасида турган келин-куёвлар таклиф этиляпти, — **дейди Тошкент вилояти Зангиота тумани ФҲДЁ бўлими мудираси Дилором БАЙЖОНОВА.** — Олимлар, руҳшунослар, етук ҳуқуқшунослар, малакали тиббиёт ходимлари иштирокида ўтказилаётган ҳар бир сабоқ ниҳоятда жонли ва мунозара тарзида ўтмоқда.

**СУРАТДА: Зангиота тумани ФҲДЁ бўлими қошида тузилган "Ёш келин-куёвлар мактаби" машғулотидан лавҳа.**

# ШУ СОНГА ХАБАРЛАР

*"Ягонасан, муқаддас Ватан!"*

## ЯНГИ ОВОЗЛАР КАШФ ЭТИЛМОҚДА

Қарши санъат коллежида «Ягонасан, муқаддас Ватан!» республика кўрик-танловининг Қашқадарё вилояти босқичи якунланди.

Кўрик-танловнинг шаҳар ва туман босқичлари ғолиблари иштирокида ўтган тадбирда истиқлолни мадҳ этувчи янги оҳанглар янгради.

Кўрик-танловда қаршилик хонандалар Салим Саимов ва Зарнигор Аҳмедова ижро этган «Ўзбегим» қўшиғи биринчи ўринга сазовор бўлди. Муборак туман маданият уйи қошидаги «Занжирсарой» фольклор-этнографик ансамбли ижросидаги «Фахрия», Китоб туманидаги «Китоб гуллари» ансамбли қатнашчиси Севара Қобулова ижросидаги «Ўзбекистон» ашулалари кейинги ўринларга муносиб топилди.

— Президентимизнинг шу йил 7 майда қабул қилинган «Ягонасан, муқаддас Ватан!» республика кўрик-танловини ўтказишга оид қарори асосида ўтказилаётган ушбу тадбир ёш ижрочилар, яккахон хонандалар, мусиқа ва санъат билим юртлари талабалари ўртасида янги овоз ва истеъдод соҳибларини кашф этиш имконини бермоқда, — дейди Қашқадарё вилояти маданият ва спорт ишлари бошқармаси бошлиғи Усмон Нусуров. — Бунда, ўқувчи ва талабалардан ташқари, қишлоқ ва маҳаллалардаги ёш ижрочиларнинг ҳам фаол иштирок этаётгани қувонарлидир. Ёш авлод онгига она Ватанга муҳаббат туйғусини янада чуқурроқ сингдириш, чекка қишлоқлардаги ёш истеъдодларни излаб топиш ва муносиб рағбатлантиришда танлов муҳим аҳамият касб этмоқда.

**А.МУҲАММАДИЕВ,**
**ЎзА мухбири**

*Тошкент — 2200*

## ТАЙЁРГАРЛИК ҚИЗҒИН

Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида таниқли олимлар, адиб ва санъаткорлар, сиёсатчилар, ҳуқуқшунослар ҳамда турли соҳа вакилларидан иборат маънавий-тарғибот гуруҳи иштирокида Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва юбилей тадбирларини ўтказиш масаласига бағишланган маданий-маърифий кечалар, аҳоли билан учрашувлар ўтказилмоқда. Ана шундай анжуманлардан бири пойтахт вилоятининг Пскент туманида ҳам ташкил этилди.

Пскентликлар билан бўлиб ўтган учрашувда сўзга чиққанлар пойтахтимиз бугунга келиб дунёнинг энг нуфузли шаҳарларидан бирига айланиб улгургани, айниқса истиқлол йилларида азим Тошкент қиёфаси янада улуғворлик касб этгани, шаҳарда кенг ва равон йўллар, миллий ва замонавий меъморчилик услубларидан самарали фойдаланган ҳолда қатор муҳташам иншоотлар барпо этилганлигини алоҳида таъкидлашди. Айтиш жоизки, бу сингари ўсиш ва ўзгаришлар аҳоли фаровонлигини таъминлаш нуқтаи назаридан ҳам муҳим аҳамият касб этади. Шунингдек, анжуманда жорий «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили»да жойларда амалга оширилаётган ислоҳотлар хусусида ҳам алоҳида тўхталиб ўтилди.

**«Туркистон пресс»**

*Анжуман*

## ЖУРНАЛИСТЛАР АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИДА

“Тадбиркорлар ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлашда адлия идораларининг ўрни ва аҳамияти” мавзуидаги матбуот анжуманида иштирок этишди. Унда вазирлик масъул ходимлари мамлакатимизда тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш, ишбилармонларнинг ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилиш ва уларни қўллаб-қувватлаш ҳамда рағбатлантиришнинг қонуний асослари, шунингдек, бу борадаги қонун ҳужжатларининг амалдаги ижросини таъминлаш бўйича олиб борилаётган ишлар хусусида сўз юритдилар. Шунингдек, тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш, уларга банк хизматлари кўрсатилиши, лицензия беришда учраётган айрим қонунбузарлик ҳолатлари ҳамда бу борада кўрилаётган чоралар ҳақида ҳам маълумотлар берилди.

Матбуот анжумани иштирокчилари ўзларини қизиқтирган турли саволларга батафсил жавоблар олишди.

**(Ўз мухбиримиз)**

**Менинг онам ҳаммадан яхши!**

# ЕТМИШ ЙИЛДАН СЎНГ...

## волидасининг қабрини топган момо

Биз оналарнинг фидойиликлари ҳақида кўп гапиришимиз мумкин. Аммо ҳеч қачон бу меҳрибонликлар таърифига сўз ҳам, вақт ҳам етмади. Аллоҳ, аёл қалбига оналик ҳиссини жо айлаган вақтдан бери унинг мангуликка дахлдор фидойилиги бошланган. Ҳатто, бу ёруғ оламни тарк этаётган чоғида ҳам она кўзларида фарзандларининг сиймоси муҳрланган ҳолда жон таслим қилади, дейдилар рост.

"Ўзбекистон" телерадиоканалида "Менинг онам ҳаммадан яхши" деб номланган эшиттириш бор. Яқинда ушбу эшиттиришнинг бир сони шу каби мулоҳазалар билан бошланди. Бунга 70 ёшли бир онахоннинг мактуби сабаб бўлди. Онахон Қашқадарё вилояти, Қарши тумани, Парғуза қишлоғида яшовчи Хадича ая Қудратовадир. Ҳам оналик, ҳам бувилик бахти билан яшаётган бу мунис аёл тўққиз ойлик чақалоқ чоғида онасидан айрилган, аммо етмиш йилки, ўз волидасини дунёдаги энг гўзал аёл сиймосида тасаввур этиб яшайди. Бунинг ўзига хос сабаблари бор. Буларни онахоннинг мактубларидан топамиз. Етмиш ёшида қўлига қалам тутиб, радиога мактуб йўллаётган момони тасаввур қилиш қанчалик завқли ва ҳайратланарли. Ва биз бу эътибор учун минг бора таъзимдамиз. Бугун момонинг мактубини "Оила ва жамият" мухлислари билан ҳам баҳам кўрмоқни лозим топдик.

* * *

*"Оҳ, ажаб дунё! Ажабо ҳаёт! Шунчалар теран ва шафқатсиз чархпалакмисан?!*
*Онажоним! Сиз дунёда бўлганмисиз?*
*Сиз ҳаётга келганмисиз?*

*Етмиш йилдирки, сизни бир марта ҳам кўролмадим. Ҳатто қабрингизни ҳам топа олмадим.*

*Ҳа, ҳаёт шафқатсиз экан. Менинг онажоним Норчучук Олимова 1910 йилда туғилган. Отажоним Қудрат Рўзиев билан турмуш қуришиб, уч нафар фарзанд кўришган. Акам, опам ва мен. 1940 йил июл ойида онам пахта даласида чопиқ қила туриб, тоби қочиб, оламдан ўтган. Мен 9 ойлик чақалоқ ҳолимда онасизлик қисматига дуч келганман. Отам онамнинг жонсиз танасини кўтариб уйга олиб келган ва ўзи яна пахтага сув тарагани қайтиб кетган. Мен қорним очқиб, йиғлаб-йиғлаб онам сари талпинган ва эмаклаб бориб, ўлиб ётган онажонимни эмиб ётганимда момом келиб, мени онамдан ажратиб олган экан...*

*Йиллар ўтиб, момом онам тўғрисида йиғлаб гапириб берганларида уларнинг ёнларидан жилмасдан қулоқ солар эдим. Онам жуда ақлли, ҳурматли аёл бўлган эканлар. Рўзғор юмушларини, бекаликнинг барча ишларини кечаси бажариб, эрталаб уч бола билан пахта даласига етиб борар, бизларни "кўмма боғча"га қўйиб, пахта чопиқ қилар экан. Онамни кўрганлар, хусусан, кайнонам шунчалар куюниб мақташар эдики, мен эшитиб эзилиб-эзилиб йиғлардим.*

*Ҳозир ҳам телевизор ёки радиодан она тўғрисида бирор кўрсатув ёки эшиттириш берилса, йиғлаб кўраман ва эшитаман. Ҳаётнинг гоҳо шафқатсизлиги ҳақиқат. Аммо ўша даврларда шўро вакиллари ундан-да шафқатсиз бўлишган. Улар дадамни Бекобод шаҳрига қандайдир махсус ҳашарга сафарбар қилишган. У вақтлар транспорт ва алоқа имкониятлари ҳали тузук шаклланмаган. Отам ўз вазиятини англаб, биз уч норасидани Саъдулла исмли ҳеч кими йўқ кишига топшириб, илтимос қилган эканлар: "Дўстим, мен энди ё келаман, ёки йўқ. Шу уч сағирнинг бошини силанг, уларни сизга, сизни худога топширдим", дея уйдан чиқиб кетган эканлар.*

*Отамнинг хавотири ўринли экан чоғи, шу кетганича қайтиб келмаганлар.*

*Оғир кунлар, ойлар, йиллар ўтиб, биз улғайдик. Саъдулла бобомиз ҳам оламдан ўтдилар. Уч ака-сингил аста-секин ўсиб-улғайдик, ўқидик, турмушли бўлдик. Ҳозир акам 76, опам 73 ёш, мен эса 70 ёшдаман. Учаламиз ҳам пенсиядамиз. Отам-ку ўзга юртларда ўлган. Аммо ҳеч бир белгисиз кўмилган онамнинг қабрини қидира-қидира тополмадик. Наҳотки, иккаласидан ҳам жудо бўлсак. Худога минг шукр, болаларимиз бор, ўзимиз ҳам момо ва боболармиз.*

*2000 йил охирларида мени бир илоҳий куч Парғуза қишлоғи қабристонига етаклади. Сукунат, қўрқинчли, сокин жой. Лекин мен қўрқмадим. Аҳли қабрларга салом бериб кирдим. Дуойи фотиҳа ўқиб, атрофни тозалай бошладим. У ерга дарахт, гуллар экдим. 2001 йил 17 февраль куни кечаси қабристонда... ишонасизми, онам менга "кўриниш" бердилар. Онамнинг ҳусни, кийиниши момом таърифлагандек. Кўз ўнгимда гўзал ва ақлли аёл турарди. У уч марта: "Мен сенинг онанг бўламан", деб айтди-ю, сўнг ғойиб бўлиб қолди. Мен унинг ортидан тикилиб қолавердим...*

*Ўшандан бери қабристонга тез-тез бориб турибман ва қўлимдан келгунича у ерни обод қилиб юрибман.*

*Ҳақиқатан ҳам менинг онам ҳаммадан яхши бўлган. Илоҳим, жойлари жаннатдан бўлсин.*

* * *

Ҳа, фақат оналаргина ҳатто ўлганларида ҳам мурғак гўдагининг яшаши учун унга кўкрак тутишдек фидойиликларга қодир. Ортиқча изоҳга ҳожат йўқ.

**Муҳтарам муштарий! Сиз ҳам энди ўзингизга бир савол бериб кўринг-чи, сўнгги бор қачон онажонингиздан хабар олдингиз? Сўнгги марта қачон хурсанд қилдингиз? Сиздаги қунт, ҳафсала бу ўринда ўз кучини йўқотмаган бўлса, сиздан ўтинчим, олисда бўлса мунис онажонингизга қўнғироқ қилинг, ёнингизда бўлса, чин дилдан қучиб, юз-кўзларидан, қўлларидан ўпиб, бир чимдим қувонч ҳадя этинг. Имкон топсангиз, "менинг онам ҳаммадан яхши", дея бизга мактуб йўлланг.**

**Қувондиқ СИДДИҚ**
**журналист.**

**✓ МУРАББИЙ**



# МЕҲР НУРИ ЁҒАР ДОИМ...

Ирмоқлардан тортиб баҳри уммонларгача бўлган сув дунёсини оби-ҳаёт деб атаймиз. Осмонларни ўпиб турган баҳайбат тоғларни сервиқор, улкан дарахтларни азим, уфқларга туташ кенгликларни дала деб таърифлаганмиз. Лекин инсоният яралибдики, то шу кунга қадар мурғак қалбларга илк АЛИФБОНИ сингдириб, мустақил ҳаётга қадам қўйгунимизча биз билан ёнма-ён юриб, қувончу ғамларимизга шерик бўлгувчи устозларимизни бир сўз билан таърифлаб бера олганимиз йўқ. Меҳрибон, муштипар, заҳматкаш, жонкуяр, фидойи... Қўйингки, уларга аталган тавсифлар барибир камлик қилаверади.

Ана шундай инсонлардан бири Поп туманидаги қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежи директори Каримахон Мамадалиеванинг умр йўлларига назар ташлаган киши юқорида берилган қиёслар нақадар ҳақлигига ишонади.

1978 йилда Наманган Давлат педагогика институтини тамомлаган Каримахон аввал Ёш техниклар станциясида, сўнг халқ таълими бўлимида, кейин эса кино видео акционерлик жамиятида раис, Уйғурсой касб-ҳунар мактаби директори бўлиб ишлаган йиллари алоҳида саҳифа. Лекин 2004 йилдан бугунги кунгача босиб ўтилган йиллар унинг учун жиддий синов палласи бўлди десак муболаға бўлмайди. Негаки, Попдаги ушбу коллежга опа келганидан сўнг бирданига вазият ўзгарди.

— Тажрибада кузатилган ҳолат бу ерда ҳам рўй берди, — деб эслайди Каримахон опа. — Аввалига кўпчилик мураббийлар иккиланиб туришди. Хўш, ишни қандай қилиб бошлар экан, шунга яраша ишлаймиз, дейдиганлар билан ошкора гаплашдик. Энг муҳими, тартиб-интизом ва дарс ўтиш сифатини яхшилашга жиддий эътибор қаратдик.

Унинг яна бир хайрли иши талабаларни амалиётга юбориш ҳамда мутасадди ташкилотлар билан тайёрланаётган кадрларни ишга қабул қилиш учун шартнома тузиб, келишиб иш юритиш бўлди. Режали асосда иш юритиш ҳамда коллеж нуфузини ошириш борасидаги қадамлар самара берди. Айни пайтда 931 ўқувчи 8 йўналиш бўйича таълим олаётган илм даргоҳи қисқа муддат оралиғида вилоятда кўзга кўринган коллежлардан бирига айланди. Тайёрланаётган кадрларга бўлган талаб йилдан-йилга ортаяпти. Масалан, ўтган йилги битирувчиларнинг 90 фоизи ўз муқим иш ўринларига эга бўлди. Бу эса энг яхши кўрсаткич ҳисобланади.

— Биз ўқувчиларимизни дарсдан бўш пайтларини ҳам мазмунли ва фойдали ўтказишлари учун етарли шароитларни яратганмиз,— дейди Каримахон опа. — Аввало, ҳозир таътил маҳали. Кимдир дам оляпти, бошқаси ота-онасига кўмаклашяпти, бири эса вақтинчалик ишлар билан банд. Қолаверса, ўзимизнинг 10 гектарга яқин тажриба майдонимиз ҳам бор. У ерга ҳар хил экинлар экилган. Ўтган йили аҳил жамоамиз меҳнати туфайли 6 миллион сўм бюджетдан ташқари маблағ топдик. Ёки 100 дан ортиқ товуқ парваришланаётган кичик товуқчилик фермамиз бор. Ундаям ўзимизникилар ишлашяпти. Кўраётган фойдамизни коллежимизни янада обод этишга ҳамда ўқувчиларни қўллаб-қувватлашга сарфлаяпмиз. Мавжуд 36 та ўқув хонасининг дид билан жиҳозланганлиги, 31 та тўгаракнинг бекаму-кўст фаолият кўрсатиши учун барча шарт-шароитнинг яратилганлиги ҳам юқоридаги фикримизни исботлаб турибди.

Хуллас, Каримахон Мамадалиева ва у раҳбарлик қилаётган коллеж ҳаёти ҳақида ёзаман десак, гап кўп. Очиғи, қаҳрамонимиз ҳаёти ва меҳнат фаолиятига боғлиқ бундай мисоллар дарёдан бир томчи холос. Чунки унинг умр дафтарида битилган ибратли саҳифалар бисёр. У буларни ҳаммагаям айтиб достон қилавермайди. Ўзининг қадрдон Ҳамза маҳалласида маслаҳатчи сифатида амалга ошираётган хайрли ишлари ҳақида ҳам алоҳида ёзса арзийди.

Энг муҳими бошқа. Яъни у тумандаги қай бир гўшага бориб қолгудек бўлса, «устоз, сиз менга тўғри йўл кўрсатгансиз, минг раҳмат, ҳозир гулдек ҳунарим бор» деб чин юракдан ташаккур айтадиган йигит-қизлар жуда кўп. Шунинг ўзи бахт эмасмикан?

**Ўктам АБДУЛЛАЕВ,**
**«Оила ва жамият» мухбири.**

**2009 йил — Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили**



# «МОҲЛАРОЙИМ»

## қишлоқ аҳлига гўзаллик бағишлайди




Яккабоғ туманидаги Эсат қишлоғида қисқа вақт ичида қурилиб, фойдаланишга топширилган кўркам бино кўпчиликнинг эътиборини тортиши табиий. Замонавий меъморчилик анъаналарига мос равишда қад ростлаган иншоотда аҳоли учун сервис хизмати кўрсатилаётир.

— Туманимиздаги «Шарофат она Қаҳрамон қизи» фермер хўжалиги томонидан бунёд этилган ушбу мажмуада 12 та ишчи ўрни яратилди, — дейди Эсат қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Эштўхтар Янгибоев. — Қишлоқнинг тўққиз мингдан ортиқ аҳолиси бу қулайликдан баҳраманд бўлишаётир.

Бинонинг биринчи қаватида «Дармон-Фарм» ишлаб чиқариш корхонасининг дорихона шахобчаси жойлашган бўлса, иккинчи қаватида хотин-қизлар учун гўзаллик салони ва келинлар либослари дўкони бор. Эндиликда қўшни қишлоқлар аҳолиси ҳам 5-10 чақирим йўл босиб, туман марказига бормасдан, шу ернинг ўзида турли эҳтиёжларини қондиришмоқда.

Фермер хўжалиги раҳбари Анзур Нормуродовнинг таъкидлашича, «Дизайнер БО-2002» ташкилоти лойиҳасига кўра қурилган мажмуа қишлоқ аҳлига сервис хизмати кўрсатишни янада яхшилаш бўйича махсус дастурларнинг амалдаги ижросидир.

Шунингдек, мазкур фермер хўжалиги аъзолари жорий йилда 43 гектар майдондаги ғаллазордан мўлжалдагидан кўп дон етиштириб, режадан ортиғини ишчиларга тарқатиб бердилар. Бу эса ҳар бир оиланинг ризқи бутун, дастурхони тўкин бўлишини таъминлайди. Демак, мамлакатимизнинг яна бир гўшасида эндигина иш бошлаган ўз номига муносиб «Моҳларойим» гўзаллик салони истиқлолимизнинг 18 йиллик тўйига муносиб бир тўёна бўлди.

**Шавкат СУЛТОНОВ,**
**«Оила ва жамият» мухбири.**

**СУРАТЛАРДА:** Пардозчи Дилбар Ғуломова.

**«Моҳларойим» гўзаллик салони ташқи кўриниши.**

**НИГОҲ**

# «ТУНГИ КЛУБ»ЛАР КИМЛАРНИ ЧОРЛАЯПТИ?

**«Тунги клуб»ларга марҳамат», деган рекламаю афишаларга кўзингиз тушганми? Умуман бундай жойлар ҳақида тасаввурингиз борми? У ерга кимлар боради? Уларнинг оддий ресторан ёки кафе-барлардан фарқли жиҳати нима? Ушбу мақолани тайёрлашдан аввал, бу ҳақда кўпчилик билан маслаҳатлашдим. Айримлар ҳеч нарса билмаслигини, баъзилар эса салбий фикрда эканлигини ошкора айтди. Бошқа бировлар «нимаси ёмон, рақсга тушиб, маза қилиб дам олиш мумкин, энг муҳими, бутун стресслардан ҳоли бўласиз», дейишди. Хуллас, биров у деди, биров бу. Эшитган бошқа, кўрган бошқа, деганларидек, минг бир истиҳола, мулоҳаза билан пойтахтимиздаги «Тунги клуб»лардан бирига (албатта, уйдагилар билан бамаслаҳат равишда — хизмат вазифам тақазо этгани боис) бордим. Менга ўз исм-шарифини ёзмаслигимни илтимос қилган талаба йигит (у аввал шундай клублардан бирида ишлаган) ва бир қариндошим ҳамроҳлик қилди.**

**ТУНГИ СОАТ $23^{00}$**

Шаҳар марказида жойлашган бу «тунги клуб» сўлим, баҳаво жойда экан. Дискотека бўладиган зал қора ойналар билан қопланган. Жарангдор мусиқа эшитилиб турибди-ю, лекин ичкари умуман кўринмайди. Шу ерда мижозларга хизмат қилиб юрган қизлардан бири ёнимизга чопиб келди-да:

— Боққа ўтасизларми, — деб сўради.

— Йўқ, бизлар шу залга кирмоқчи эдик, одам борми? — деди ҳамроҳимиз эшикка қўл узатганча.

— Ҳозирча ҳеч ким йўқ, боққа чиқиб ўтира қолинглар...

Биз боққа чиқдик. Шинамгина жой экан. Ўртада фаввора. Атрофи супа, стол-стуллар. Нарироқ, чеккароқдаги супада гужанак бўлиб ухлаб ётган 12-13 ёшлардаги уч нафар болакай-қизалоқларга кўзим тушди.

Беихтиёр «Тунги клуб»да булар нима қилиб юрибди?», деган саволимга ҳамроҳ йигит шундай изоҳ берди:

— Анави столда ўтирганларни кўраяпсизми, булар ўша аёлларнинг болалари. Уларнинг ухлайдиган пайти бўлгани учун ётиб қолишган-да. Қачон қайтишса шунда уйғотишади...

Биз ўтирган столнинг ёнидаги супада икки ёш йигит ўтирган экан. Ҳамроҳимиз улардан бирининг исмини айтиб чақирди:

— Аваз, бу ёққа кел!

— А-ассалому алайкум! Яхши юрибсизми, бизга нима хизмат?

— Бугун смендамисан?

— Йўқ, иш куним эртага. Лекин биласиз-ку, ишламаган куним ҳам бу ерга келмасам бўлмайди.

— Ўқишга кирдингми?

— Э, икки йилдан бери йиқиламан. Бу йил яна топширдим. Ё насиб...

— Бу ерда вақт ўтказгандан кўра, уйда ётиб, ўқишга тайёрлансанг бўлмайдими?

— Ўрганиб қолганман-да, зерикканимдан келаман...

У секин нари кетди.

— Пулни кўзи қиймайди-да, кундузгидан икки баравар ҳақ олади бу ерда, — деди бизга шеригимиз.

Нариги столлардан бирига тўрт нафар 20-22 ёшлар атрофдаги йигитлар келиб ўтиришди. Бири соқол қўйган, иккинчиси зирак таққан, яна бири эса қип-қизил ғижим шойи кўйлак кийиб олган. Улар ичимлик, егулик буюришди. Сўнг... навбати билан қуриллатиб, чилим тортишга тушиб кетди.

— Эртага ҳамма жойда иш куни бўлса. Булар эрталабгача шунақа ҳордиқ чиқарса, эрталаб ишга, ўқишга қандай улгуришади?

— Ким билади, балки ишлар, балки ўқир, ёки ота-онасини алдаб пул олар. Баъзан талабалар ҳам келиб туришади бу ерга. Айрим клубларга 8-10 минг тўлаб кирасиз. Бу ер бепулу, лекин бирон нарса буюртма беришдан олдин албатта 10 минга нархланган мева-чеваларни мажбурий сотиб олишингиз керак. Икки ўн беш бир ўттиз-да.

**СОАТ $24^{00}$**

Биз энди боғдан дискотека бўлаётган залга кирдик. Ҳамроҳимизнинг айтганича бор экан. Мижозлар сони 10-12 нафардан ошганди. Ўрта очиқ. Атрофга стол-стуллар қўйилган. Ҳар бир столда биттадан шам ёниб турибди. Чироқ мусиқага мос ўчиб-ёнади. Қулоқни қоматга келтирувчи мусиқа босиб кетгани учун ҳеч нарсани эшитиб бўлмайди.

Қулоғига зирак, бўйнига занжир таққан йигит билан ярим яланғоч кийинган қиз чет эл мусиқасига рақс тушмоқда. Йигитдан кўра қизнинг қилпанглашига қараб туриб, кўзларингизни қаерга яширишни билмайсиз. Лекин бурчак-бурчакда ўтирган йигитлар қизга шундай еб қўйгудек бўлиб тикилишардики... Ёнимизда ўтирган ёш ўсмирларнинг ҳалиги ҳолатга ҳайрат билан қараб турганини кўрган ҳамроҳим секин ишора қилди:

— Булар ҳойнаҳой коллеж талабалари-ёв. Кўриниб турибди-да. Диплом олишган бўлса, «ювиш»га келишган. Ҳозирча бундай рақсларни кўриб, анграяди, кейин-кейин кўзи пишиб ўрганиб қолади. Сўнг доимий мижозга айланади.

**СОАТ $2^{00}$**

Саф янада кенгайди. Залга жуфтликлар кириб келишди. Қизларнинг бири жуда очиқ кийинган, калта юбкада, сочлари ёйилган... яна бири сипо, сочлари оддий турмакланган эди.

— Анави қиз бу ернинг доимий мижозларидан, буниси дугонаси бўлса керак. Чунки аввал кўрмаганман, юринг, секин гаплашиб соламиз. Улардан бири ҳамроҳимни танигани учун бизлардан истиҳола қилмади.

— Дилдора, яхшимисиз? (Исми ўзгартирилган).

— Солай-кум ...ака, кўринмай кетдингиз?

— Бу киши менинг опам, бироз гаплашиб ўтиринглар, ҳозир келаман,- деганча ҳамроҳим менга кўз қисиб қўйди-да, ўзи нари кетди.

— Бирор жойда ишлайсизми, ёшингиз нечада? — деймана мен ҳам шунчаки танишаётгандек.

— 22 ёшдаман. Ҳеч қаерда ишламайман. Адам таъминлайди пул билан.

— Дадангиз бунақа кеч юришингиздан хавотир олмайдими?

— Ҳеч қанақа ёмон иш қилаётганим йўқ-ку! Зўр дам олаяпман.

— Сизгаям уйдагилрингиз ҳеч нарса демайдими? — юзланаман иккинчи қизга.

— Бу ерга келишнинг нима ёмон томони бор? Қолаверса, уйдагиларимга «дугонамникида ётиб қоламан»деганман.

— Шу келиб-кетишларингизга қанча сарфлайсизлар?

— Бизлар эмас, шерикларимиз— йигитлар тўлайди. 30-40 минг кетса керак.

— Ахир «талабалик олтин даврим», деб бекорга айтишмаган-ку, ёшликда ўйнаб қолишга нима етсин опажон, — дейди улар билан келган йигитлардан бири.

Бизнинг ёнгинамизда гурунгимизни эшитиб ўтирган столдаги 30-35 ёшлардаги эркак гапириб қолди:

— «Тунги клуб»ларга фақат бекорчилар, уйидан безганлар киради, деганлар, мана шу ёққа бир келсин. Масалан мен, мана аёлим билан ўтирибман. Болалар лагерда. Дам олгимиз келди. Европа мусиқаларини ёқтирамиз. Керак бўлса, вальс тушамиз. Нимаси ёмон? Гапириш, қўйинглар, бундай жойларга яхши одам бормайди, дейиш осон. Ундайлар-чи, маданий ҳордиқ чиқаришни билишмайди...

**СОАТ $3^{00}$**

Клуб янада гавжумлашди. Энди даврага каттароқ ёшдаги мижозлар ҳам қўшилишганди. Албатта, бир ўзлари эмас — жуфт-жуфт.

Ўртага тушиб ўйнаётган қизларнинг алмойи—жалмойи қилиқларига қараб, очиғи, ҳамроҳим бефарқ ўтирган бўлса-да, мен уялиб кетдим. Қариндошимга қарасам, у ҳам нигоҳларини қаёққа олиб қочишни билмаётганди. Чунки ярим яланғоч кийинган бу қизлар ўртага тушиб олиб ҳамманинг эътиборини тортарди. Ногоҳ...биринчи қиз жойида ликиллаб турган иккинчи қизнинг оёғигача суйкалиб эгилди-да яна шундай ҳолатда суйкалганча қаддини ростлади. Шунда...шунда... бу беҳаё қилиқлардан йигитлар қийқириб чапак чалиб юборишди. Бу ҳали «тунги клуб»даги «беозор»томошалардан бир кўриниш холос.

Жазавага тушиб ўйнаётган, бир-бирига суйкалаётган ёшларнинг бундай рақслари олдида ҳатто айрим чет эл фильмларидаги манзаралар ҳам оддийроқ туюлади.



Биз ҳам ёшлигимизда бирор байрам баҳонасида қишлоғимиз клубида бўладиган бундай дискотекаларга боришни ҳеч канда қилмасдик. Кечки соат тўққизгача бўладиган дискотекаларда синфдошлар давра қуриб, шундай рақсга тушардикки... Бунинг ҳеч ҳам ёмон томони йўқ эди. Ҳа-да ўзингга яқин одамлар билан яйраб рақсга тушишнинг гашти бошқача-да. У пайтлари ер тепиб сакраб, рақсга тушардик. Бундан мазза қилардик. Эшилиб, буралиб, қилпанглаб, муқом қилиб ўйнаш у пайтлар етти ухлаб тушимизга ҳам кирмасди — уят ҳисобланарди...

**ТУН — СОАТ $4^{00}$.**

Энди уйга қайтиш керак. Тўғриси, бошим оғриб, кўзларим юмилиб кетаверди. Дам олиш дейсизми, йўғ-е, жуда қаттиқ чарчадим. Яна бир қизиқ ҳолат, номигаям бирорта ўзбекча қўшиқ эшитмадим.

Билмадим, менинг бу кузатувларим кимда қандай таассурот қолдиради, ва бу билан «тунги клуб»ларнинг ҳаммасида бир хил ҳолат-манзара деган хулосани айтишдан тийиламан. Негаки...

**PS: «Тунги клуб»ларга ҳамма ҳам бекорчиликдан ёки тасодифан бориб қолмайди. Биз ҳам «кутилмаган меҳмон» эдик. Рости, мақола ёзиш учун «тунги клуб»га бормоқчилигимни эшитган турмуш ўртоғим аввалига тиш-тирноғи билан қарши бўлди. Лекин ишим шуни тақозо қилаётганини айтганимдан кейингина зўрға кўнди.**

**Барно СУЛТОНОВА,**
**«Оила ва жамият»нинг махсус мухбири.**

**ТАҲРИРИЯТДАН:** *Дарвоқе, айримлар назарида «тунги клуб»ларга фақат мўмай пул топадиган ёки ота-онасининг эркатойига айланган йигит-қизлар ёки кўпроқ ўз кўнглини чоқ қилишни хоҳлаган кишилар боради, деган қарашлар ҳам борлиги рост. Лекин бу масаланинг бир томони. Иккинчи томони эса истаймизми-йўқми, тараққиёт, эркинлашув, энг муҳими, турли хил манфаатлар туташаётган чорраҳаларда биз юқорида сўз юритаётган мавзуга бевосита ва билвосита дахлдор бўлган ҳолатлар ҳам учраши табиий. Бу ҳам бир ўтиш жараёни ҳисобланади. Уни тўхтатиш ёки тақиқлаб қўйиш орқали ҳеч нарсага эришиб бўлмаслиги аниқ. Фақат ҳар қандай эркинлашув жараёнининг ўзига хос меъёр — чегаралари исталган ҳолатда ҳам миллий дунёқарашимиз ҳамда маънавий қиёфамизга соя солмаслиги керак. Ўйлаймизки, мухбиримиз қаламга олган ушбу мавзу ва айрим фикр-мулоҳазалар хусусида сизларда ҳам ўзгача қарашлар, таклиф ва эътирозлар бўлса, бизга ёзиб юборинг.*

МУЛОҲАЗА УЧУН МАВЗУ

Ҳаётимиз борган сайин гўзаллашиб, турмуш шароитимиз фаровонлашмоқда. Бу улкан бунёдкорлик иншоотларида, кийинишда, тўй-ҳашамларимизда акс этаётир. Илгари ҳовли-хонадонларда, тўй қилиш учун узоқ тайёргарлик кўриларди, ташвиши ҳам шунга яраша эди. Ҳозир бир-биридан ҳашаматли тўйхоналар бор. Уларда аслзодаларга хос виқор билан меҳмонларни кутаверасиз. Гард тегмаган оппоқ шоҳи дастурхонлар, ипак матолар қопланган антиқа стуллар. Дастурхонларнинг безатилиши-ку, санъат асари даражасида. Кўз қувнайди. Бир тўйхонада келин-куёв тушган «Лимузин» нақ базм залининг ичига — меҳмонлар олдигача кириб борар экан.

Кийимларимиз башанг, қоматимиз салобатли бўлгани билан кўнгил хотиржамлиги йўқ! Шу боис, маданиятли одамлардек, майин ва осойишта мусиқалардан завқ ололмаймиз. Тоқат қилолмаймиз. Кўнгилда салобат йўқ, кўнгилда! У бамисоли ҳайдалган шудгордек бўм-бўш! Уни нима биландир тўлдирмоқчи бўламиз. Улар эса тахминан қуйидагилар: тўйда неча яшик ароқ ичилганлиги, қанча казо-казолар келишиб, «файз» киритганликлари, «бирров»га келган қўшиқчи-артистларнинг сони, (улар билан «сотка»ларда расмга тушилади) мақтовлар, антиқа мулозаматлар... Барибир, кўнгил эса ҳалигидек: Баайни,

# Тўйлардаги «томоша»лар

## ёхуд кўнгилдаги айрим кўнгилсизликлар хусусида



Дабдабани қаранг! Бунга кимларнингдир қурби етади, етмаганлари эса... бор имкониятларини ишга солиб, астойдил ҳаракат қиладилар? Ҳозир тўйларимиз гўзал. Тўйдаги одамларнинг савлати худди «Титаник»даги киборлар даврасини эслатади. Баъзан ташқи гўзаллик билан тўйларнинг асл моҳияти ўртасида зиддиятлар ҳам кўзга ташланиб қолади. Назаримда, айрим қусурларимиз тўйдаги ҳашамат ва «замонавийлик»ка сира мос тушмайди. Шуларнинг баъзилари ҳақида тўхталмоқчиман:

Нега санъаткорларнинг тўй ва базмларда янграётган мусиқалари қулоқни ёргудек баланд? Умуман, ҳозирги концерт залларида ҳам аҳвол шу: замонавий овоз кучайтиргичларнинг наърасидан кошонанинг сувоқлари кўчиб тушгудек бўлади. Ёнингиздаги одамнинг овозини эшитмайсиз. Оғзи қимирлаганини кўрасиз, холос. Нега шундай? Чунки, шунга яраша талаб бор. Мухлислар пастроқ овозлардан завқ ололмайдилар! Ҳеч эътибор берганмисиз, базм бошланишида тўкин столлар атрофида ўтирган меҳмонлар анчагина сипо бўладилар. Яъни, қимтинган, жиддий, бироз... ҳўмрайган қиёфада. (Ҳатто раҳматли Ҳожибой қизиқнинг концертида ҳам ҳўмрайиб ўтирганларни кўрганмиз!) Давра очилиб, дастлабки қадаҳлар бўшатилгач, чеҳралар бироз ёришади, гап-гапга қовушади. Бироздан сўнг тўйхона бамисоли қайнаган қозондек шовқинга тўлади: ҳамма баравар гапираётганга ўхшайди. Худди шу пайтда ҳалиги баланд мусиқа керак бўлади-да! Бундай даврада майин миллий мусиқани тинглаб, ҳузурланишнинг имкони йўқ.

зоҳирда — шер, ботинда — қуён! Бизга айнан гумбурлаган мусиқа бўлсаки, озгина қалбан ожизлигимизни унутсак! Бунга иложи борича жазавага тушгудек мусиқа керак. Жуда кўп гувоҳ бўлганмиз, тўйда бирорта майин қўшиқ куйлаган хонанда, ниҳоят: «Энди навбат шўх қўшиқларга, қани ҳамма даврага!» дея тантана билан эълон қилади. Вулқондек гумбурлаётган мусиқа нақ юрагингизга урилиб, акс-садо бера бошлайди. Қон чайқала-чайқала, охири мавжланиб кўпиради-ю, ғайритабиий мастликка ўхшаш ҳолатга тушасиз. (Ичга кирган алкоголь ҳам ўз «кучи»ни кўрсата бошлайди, албатта.) Мана энди, чарх уриб рақсга тушсангиз ҳам, ирғишлаб шох ташласангиз ҳам бўлади! Қўшиқнинг мазмуни билан ишимиз йўқ — барибир тушуниш қийин. Асосийси — гумбура-гумбур оҳанг, муқомлар! Бунга қўшимча қилиб, кетма-кет қадаҳлар бўшатилаверади. Устига-устак, ана шундай тўкин davраларда одатда, юксак маънавий мавзулардаги суҳбатлар бўлмайди. Турли олди-қочдилар, зўраки латифалар. (Лекин шунгаям қаҳқаҳа чиқади!) Кейин, қадаҳ кетидан қадаҳ... Тантанавор «тост»лар айтилади. «Тост»лар қийқириқлар билан олқишланади. Сўнгра яна гумбурлаган мусиқа янграйди. Ҳирсли нигоҳлар даврадаги ўйинчига («рақҳоса» дейишдан кўра, «ўйинчи» дейиш тўғрироқ), антиқа «вечерний» кийимларда хиром айлаётган хотин-қизларга қаратилади. Таноблар қочади. Қўллар беихтиёр ҳамёнларга узалади. Турнақатор бўлиб, даврадагиларга пул қистирилади. Сахийлик роса авжига чиқади-да ўзиям! Ўзбекона сахийлик! Нега десангиз, Оврўпою Америқолик миллионерларнинг ҳам қўлидан келмайди, бундай ҳотамтойлик! Ана шунақа.

Афсуски, ҳанузгача тўйларда пул қистириш «удуми» қандай мазмун-моҳият англатишини тушунмадим. Худди концертда санъаткорга қўшиқнинг қоқ ўртасида гул олиб чиқишгани, куйлаётган ҳофизнинг қулоғига алланималарни гапиришлари, концерт тугагач, қўшиқчи саҳнадан чиқмай туриб, «томошабин»лар ўзларини эшикларга гурра уришларини тушунмаганим каби. Ҳозир тўйларда ғалати одатлар пайдо бўлган: ароқ ичиш учун албатта стол атрофида ўтиришингиз шарт эмас. Даврада юрасизми, санъаткорлар ёнидамисиз. Хуллас, ҳар жойда қадаҳлар терилган патнис кўтарган хизматчилар ҳозиру нозир! Ҳеч уринмасдан, рўпарангизда маҳтал бўлиб турган қадаҳлардан бирини оласиз-у, «гилт» этиб бўшатасиз. Ҳатто, «қадаҳ бўшатиш баҳси»да ғолиб бўлишингиз ҳам мумкин.

Бундай тўй-тантаналарни нега тушуниш мумкин эмас? Тушуниш мумкин. Одамларимиз қалбидаги улуғворлик, тўкин тантана-шодиёналарга мойиллик борлиги яхши. Фақатгина... Эркаклардан кўра хотин-қизларимиз бундай тўй-тантаналаримизни ниҳоятда дабдабали ва ҳашаматли даражада ўтказиш бўйича «ўзига хос» беллашувларнинг асосий ташкилотчилари (бизлар эса ижрочиларни қойилмақом қилиб уддалаяпмиз) бўлиб қолаётганини қандай изоҳлаш мумкин?

Ёки ёшимизга номуносиб бўлган айрим қусурлар — улар кўп, қай бирини санайлик, дабдабага ўчлик, бачканалик, майпарастлик, ўткинчи ҳою-ҳавасларга берилиш сизу бизнинг маънавий дунёмизни кемтик бўлиб қолишига хизмат қилмасмикан?

**Бахтиёр ҲАЙДАРОВ**

# “ОЛТИН ЭМАС, ДУО ОЛАЯПМИЗ”

***— дейди Қорақалпоғистон Республикаси Хўжайли тумани ижтимоий таъминот бўлимида йигирма йилдан бери хизмат қилиб келаётган Жумагул ТОШЛИЕВА. Албатта, опани мазкур ҳудудда танимайдиган одам кам десак ишонаверинг.***

МЕҲР ҚОЛУР



— Очиғи, ҳузуримизга ҳар хил тоифадагилар келишади,— дейди Жумагул опа. — Лекин ҳеч қачон оғринмайман. Негаки, бу соҳада ишлаётган ходим ўз ҳузур-ҳаловатини, тинчини ўйласа, қўйинг, олтмиш икки томири эгилиб келган инсоннинг кўнгли синади. Ўзимдан қиёс, “Водник” даҳасида яшайдиган ёлғиз қолган қарияларга, етим болалар ва байналмилалчи йигитларга хизмат кўрсатиш менинг чекимга тушган. Биласиз, кексаларнинг кўнглини топиш мушкул. Румия Абушаева, Тамара Саломова деган кампирлар ўз онамдек бўлиб қолган. Бирор ҳафта уларни кўрмасам, соғиниб қоламан...

Турли хил байрамлару тўй-томошаларда кекса отахон ва онахонларни йўқлаш, бир пиёла чой устида дилдан суҳбатлашиш — бу Хўжайли туман ижтимоий таъминот бўлими **(раҳбари Сайдаҳмад Асанов)**да беминнат хизмат қилаётган ҳар бир ходимнинг масъулиятли бурчи. Айниқса, туман ҳокимлиги ва хотин-қизлар қўмитаси фаоллари ҳамда бошқа ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда ҳар доим кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилаларга ёки ногирон ва ёлғиз кексаларга ижтимоий жиҳатдан ёрдам бериш махсус режа асосида олиб борилмоқда. Яна бир эътиборли жиҳати, туман ижтимоий таъминот бўлими ўзининг ибратли ишлари билан мамлакат миқёсида ушбу муассасалар ўртасида турли йилларда ўтказилган кўрик-танловларда ҳам бир неча бор совриндор бўлган экан.

Жумагул опа билан суҳбатлашганимизда бизга қайта-қайта тайинлаган гаплари шу бўлди: “Мен ҳақимда кўпам мақтов гапларни ёзиб юрманг. Ёнимда шундай фидойи инсонлар борки, уларни қанча олқишласа арзийди”. Доригул Қарлибаева, Гулистон Нурметова, Юнус Сейитниёзов, Тамара Матниёзова, Зафар Очилов, Мурод Избосдиев... Булар ўз овулдошларига ҳам моддий, ҳам маънавий жиҳатдан кўмак бераётган, бир сўз билан айтганда, ҳар қандай зеру забарлардан қимматроқ ва азиз бўлган элнинг дуосини олмоқни ўзларининг кундалик юмушлари деб ишлаётганларнинг айримлари холос.

***Авазжон БЕКМУРОТОВА,***
***“Оила ва жамият” мухбири.***
***Қорақалпоғистон Республикаси.***

# ЧИРОҒИ ЁНИҚ ОДАМ

ХОТИРА ЁҒДУСИ



Ўзбекистонда хизмат кўрсатган қурувчи, ажойиб инсон Турғунбой Тошпўлатовни республикамизда кўпчилик билар, ҳурмат қилар эди. У ўзининг меҳнатсевар, ташкилотчилик ҳамда раҳбарлик салоҳияти билан диёримиз кўркини, салобатини, унинг моддий бойлигини оширишга муносиб ҳисса қўшди. Фарғона ва Навоий вилоятларида, Бекобод шаҳрида у бош бўлиб қурдирган мустаҳкам корхоналар унинг ўзига ҳам қўйилган ҳайкал бўлиб қолди.

Турғун аканинг турмуш ўртоғи, бир умр ўқитувчилик касби билан эъзоз топган Оминахон Тошпўлатова шундай ҳикоя қилади:

— Онам раҳматликнинг ягона фарзанди эдим. 24 ёшида бева қолган онам кўкат сотиб, мени катта қилди, ўқитди. Ва кечаю-кундуз Яратгандан ёлғиз қизининг бахтини, унга инсофли, ақлли куёв учрашини ва шу хонадонда ўз ўғлидек ўрнини топишни илтижолар қилиб сўрарди. Қарангки, яхшиларнинг шарофати билан ойижонимнинг орзуси ушалди.

Она меҳрига зор бўлиб улғайган, ўз илми, ҳаракати билан институтга кирган Турғун ака онамни «ойижон» деб эъзозлар, ҳар куни дуосини олиб, йўлга чиқарди. Биз онам иккимиз фарзандларим билан бирга у кишини қаерга ишга юборишса, бирга кетар эдик. Ойим болаларимга қарар, мен эса мактабда дарс берардим.

Дастлаб Турғун ака Тошкент Политехника институти(ҳозирги техника университети)ни битирганларидан сўнг Кувасой цемент заводига ишга юборилди. Цех бошлиғигидан раҳбарлик лавозимигача кўтарилдилар...

Кейин эса Бекобод, Навоий цемент заводларида ишлади. У бир умр ободлик йўлида ҳалол учун хизмат қилди. Қаерда ишламасин, одамлар қалбида яхши таассурот қолдирди. Улардан қўлидан келган саховатини аямади. Оилада меҳрибон, доно ота бўлиб, Оминахоним билан биргаликда қизлари Гулчеҳра, Гўзал, Саида ва Насибахонни ўқитиб, турли касб эгалари қилиб, турмушга узатишди. Ўғиллари Бахтиёржон ва Баҳромжон дадалари каби ишбилгич тадбиркор бўлиб етишишди. Ва Турғун ака бир умр онажоним деб ардоқлаган, уни уйимизнинг тошу тарозиси, ёруғ чироғи деб эъзозлаган Ҳожи холани 91 ёшида сўнгги йўлга ўзи иззат билан кузатди. Фарзандлик бурчини аъло даражада адо этказиб, бир йилдан сўнг, ўзи ҳам омонатини топширди.

Яхшидан боғ қолар экан. Турғун ака меҳр билан қурган уйда қўша-қўша набиралар дунёга келаяпти. Унинг ишларини, мазмунли ҳаётини фарзандлари давом эттиришаяпти. Чироғи эса порлаб, ёниб турибди. У қурган корхоналар бугунги кунда гуриллаб ишлаб, халқ ҳаётига хизмат қилаяпти.

**Санъат МАҲМУДОВА**

НАЗМ



## Асрор МЎМИН

### МЕН БУЛОҚМАН, ЎЗ-ЎЗИМЧА ҚАЙНАЙМАН

* * *

*Чеккан оҳим севгига қасам,*
*Суянганим умид ва тоқат.*
*Бу дунёда қанча яшасам,*
*Ширин висол орзуим фақат.*

*Чеккан оҳим севгига қасам,*
*Умрим ўтар, сўраб марҳамат.*
*Қиёмат кун бошим кўтарсам,*
*Ширин висол орзуим фақат.*

**МИНГ БИР КЕЧА**

*Шаҳризода сўзлар кечалар эртак,*
*Омонат дунёда жон сақлаш учун.*
*Ҳижрон кечалари зориллар юрак,*
*Ёлвориб иноят сўраймиз тун-кун.*

*Минг биринчи кеча тугади эртак,*
*Шаҳризода етди мурод-мақсадга.*
*Минг биринчи кеча ингради юрак,*
*Аё, биз етмадик висол-лаззатга.*

**ТЎРТЛИКЛАР**

* * *

*Мен булоқман, ўз-ўзимча*
*қайнайман,*
*Мен булбулман, ўз-ўзимча*
*сайрайман.*
*Сувга ташна, куйга ташна*
*зотларнинг*
*Қачонлардир бир кунига ярайман.*

* * *

*Ҳақсизлик олдида беилож қолдим,*
*Ожиз бандалигим бўйнимга*
*олдим.*
*Хайрият, дунёда ҳақиқат бордир,*
*Каслар қилмишини Худога солдим.*

**СУЙДИМ СИЗНИ...**

*Алпомишга Муродтепа мурод бўлди,*
*Орзусига етказдирган зўр от бўлди*
*Сиз-ла ғариб кулба кўнглим обод бўлди,*
*Алпомишим, Барчинойдек суйдим сизни.*

*Кўкалдошга бермаганман вафо гулим,*
*Тўқсон алпи ёр этолмас ёлғиз кўнглим,*
*Сизга нисор муҳаббатим, эй булбулим,*
*Алпомишим, Барчинойдек суйдим сизни.*

*Ёдгор каби фарзандларим бўлса дейман,*
*Чопқиллашиб атрофимда юрса дейман,*
*Кўриб, жоним, кўнглим маним тўлса дейман,*
*Алпомишим, Барчинойдек суйдим сизни.*

*Ўзгаларга берманг, эй ёр кўнглингизни,*
*Минг бор узр, оғритибман дилингизни,*
*Гуноҳидан ўтинг, бу кун гулингизни,*
*Алпомишим, Барчинойдек суйдим сизни.*

**Гуллола ҚОРАТОЕВА,**
**Тошкент шаҳридаги 69-мактаб ўқитувчиси.**

**ОРЗУ ОЧМОҚДА КУРТАК**

*Ўйларимда ажиб бир туйғу,*
*Ҳиссиётга лиммо-лим юрак.*
*Қалбимни тарк этмоқда қайғу,*
*Дилда орзу очмоқда куртак.*

*Гўзал баҳор еллари каби,*
*Мусаффодир айтилган тилак.*
*Тик, виқор-ла тутгум қаддимни,*
*Дилда орзу очмоқда куртак.*

*Кўриб сизни қувонар кўнглим,*
*Айтгим келар севгидан эртак.*
*Энди фақат шодликка тўлгум,*
*Дилда орзу очмоқда куртак.*

**Моҳи НУР,**
**Чортоқ тумани**

# ТАДОРИК

ҚАТРА

Остона ҳатлаб уйга киришингиз биланоқ димоғингизга ёқимли бир ҳид урилади. Аслида жаннатнинг ҳиди қандай бўлишини ҳеч ким билмайди. Бироқ хонадаги муаттар ифор гўё ғаройиб ва мўъжизавий бўлиб туюлади. Кўзларингиз энг аввало қадим усталар маҳорат билан ясаган реза токчалардаги гулдонларга тушади. Чинни райҳондан тортиб, тоғ райҳонигача, гулсафсардан тортиб, атиргулгача яшнаб турибди. Кийик ўти дейсизми, тоғ чойи дейсизми, яна номини билмайдиган аллақандай гиёҳлар гулдонларга тизиб ташланган.

Хуллас, реза токчанинг ҳар бирида гул ёки гиёҳ бор. Уларнинг ҳидлари жамланиб, ўзига хос бир ифор яралганки, тўйиб-тўйиб нафас олгиси келади кишининг.

Тўққиз рангин болорли, чиройли араби гилам тўшалган бу уйда ҳамма нарса бир-бирига мутаносибдай. Уйнинг бир четидаги тўшакда эса 80 ёшдан ошган, қордай оппоқ соқоллари кўксига соя олиб турган чол ётибди.

Отахонга нигоҳи тушган ҳар қандай киши уни уч йилдан буён тўшакда михланиб қолганини тасаввурига ҳам сиғдиролмайди. Гўё у ҳозиргина таҳорат олиб намоз ўқигану, бироз мизғиб олиш учун чўзилгандай. Бош томонидаги бир коса сап-сариқ анжир ҳам жаннатни эслатиб туради. Пиёладаги анжир сувини кўриб, уни қошиқча билан чолнинг оғзига томизилганини сезиш қийин эмас.

Чол ёлғиз эмас. Ёнида 55 йил умргузаронлик қилган кампири қўлидаги райҳонлар билан чолини елпиб ўтирибди.

Тириклик ва ўлим орасидаги манзара бу. Оғирлашиб қолиб, фоний дунёдан боқий дунёга «сафар» қилаётган ҳизрсифат отага кампирининг садоқати бу.

Хонага киргач, атрофга разм солиб, яна бир нарсани — бу манзарага Аёлнинг улкан қалби ҳам сингиб кетганини ҳис этади киши. Ва назарингизда хонадаги манзаранинг илоҳий тимсоли ҳам райҳонлар билан чолини елпиб ўтирган Аёл бўлиб кўринади...

**Лола ЎРОҚОВА**


**«УМИД ВА ИШОНЧ»** Лиц. № 2677

**Тиббиёт маркази қуйидаги касалликлар бўйича беморларга хизмат кўрсатади:**

- Терапевт-кардиолог
- Невропатолог (болалар ва катталар)
- Оғиз бўшлиғи, қулоқ, томоқ (ЛОР)
- Уролог, гинеколог
- Лаборатория
- ИФА методика (хламидиоз, уреоплазма, ЦМВ, герпес, Т3, Т4, ТТГ, пролактин, прогестерон, ФСГ, ЛГ, тестостерон)

**МАНЗИЛ:** Тошкент ш. Бешёғоч даҳаси, 1-уй. **МЎЛЖАЛ:** «Истиқлол» санъат саройи, Банклар ассоциацияси. **Мурожаат учун телефон:** 245-07-42; 245-07-72





**«ФАЛСАФА»** — бу сўз тилимизда кўп ишлатилади. Унинг асл маъноси юнончада «philo» — донишмандлик, «sophia» — севаман, яъни «донишмандликни севаман» деган маънони англатади.

**«ШАШҚАТОР»** — тилимизда, айниқса, адабиётимизда «кўз ёшларим шашқатор» деган иборага кўп дуч келамиз. Бу сўзнинг асл маъниси «олти қатор» дегани. Яъни «кўз ёшларим олти қатор бўлиб оқди» дея муболаға қилинган.

**«ФАРҚ»** — бу сўзни ишлатганда, одатда фақат нарсадан нарсанинг фарқини тушунамиз. Лекин унинг туб маъноси ўзгачароқ, яъни, — «ажралиш», «узоқлашиш», «жудолик». Шу маънидан келиб чиққан ҳолда бу сўз нарсалар ўртасидаги номувофиқлик, ноўхшашликни билдиради. Унинг мазмуни «Ўзбек тилининг изоҳли луғати»да шундай шарҳланган.

**«УВАТ»** — дала ёки экин майдони ичида ёки четларида қолдирилган бўш ер, тор йўл.

**«ТЎҚМОҚ»** — изоҳли луғатда бу сўз «дастаси ва уриладиган қисми кўпинча ёғочдан қилинадиган босқонга ўхшаш асбоб» деб изоҳланган. Эҳтимол, бу сўз «тўққиллаМОҚ» деган сўздан келиб чиққандир. Чунки тўқмоқ билан урилганда тўқиллайди.

**Эшқобил ШУКУР тайёрлади.**


# ЎҚИШГА МАРҲАМАТ!

## «ZEHN-SHANS» ИЛМИЙ ЎҚУВ МАРКАЗИ

***Абитуриентларни олий ўқув юртларига ўқишга кириш учун қуйидаги фанлар бўйича тайёрлайди: кимё, биология, она тили ва адабиёти, математика, физика, инглиз тили, тарих, рус тили. Машғулотларни фан докторлари, фан номзодлари ва дарсликлар муаллифлари олиб борадилар.***

Марказ дарсларнинг юқори даражали сифатига кафолат беради.

Назарий ва амалий машғулотлар махсус чуқурлаштирилган дастурлар асосида ҳамда «Ахборотнома»лар, имтиҳон вариантлари бўйича ўтказилади. Ҳар бир фан ҳафтасига 3 марта 2 соатдан дарс жадвалига киритилади. Марказдан барча зарур дарслик ва ахборотномаларни сотиб олиш мумкин.

***Машғулотлар сентябрдан бошлаб 1 августгача 11 ой давом этади. Дарслар ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.***

Бизнинг абитуриентларимиз: 2006 йилда - 85%, 2007 йилда - 92%, 2008 йилда - 99% ўқишга қабул қилиндилар.

**Натижалар билан марказда танишиш мумкин. Шунингдек, рус ва инглиз тилини ўрганиш курслари ҳам бор.**



**МАНЗИЛ:** Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, 2-мавзе, 14-а уй (9 қаватли бинонинг 1-қавати).

**Мўлжал:** Юнусобод, «Универсам» бекати, «Юнусобод» бозори қаршисида.

**ТЕЛЕФОНЛАР:** 8(371) 212-17-67, 212-34-80.

**ФИЛИАЛ:** Жиззах вилояти, Ғаллаорол тумани, «Мустақиллик» кўчаси, 39-уй.

ҚИСМАТ

# ХОРИЖНИ ҚИЛМА ОРЗУ...



Хуршида шаҳарнинг энг олди қизларидан эди. Шу боис ҳусндa ҳам, ақлу фаросатда ҳам ҳавас қилса арзигулик, шўх-шодон, бир гапириб, ўн куладиган, кўнглида кири йўқ бу қизни келин қилиш ниятида бўлганларнинг саноғи йўқ эди. У иккита олий ўқув юртини тамомлаб, пойтахтдаги нуфузли банкларнинг бирида ишга бошлагунича ота-онаси турмушга узатиш ҳақида ўйлашмади. Тўғрироғи, ихтиёрни қизнинг ўзига қолдиришди. Хуршида эса «ҳали бунга вақт бор, аввал шахсий ҳаётда нимағадир эришиб олай, карьера қилай, балки чет элда яшарман» деб орзу қиларди. Бирин-кетин дугоналари турмушга чиқиб, болали бўлганларидан кейин у ҳам оила қуриш ҳақида ўйлай бошлади. Талабаликда бирор йигитга кўнгил қўймади, орқасидан юрганларни эса жиддий қабул қилмади. Оиласи ўзига тўқ, ота-онаси нуфузли жойларда ишлаганлари боис, совчи бўлиб келувчиларнинг кети узилмасди. Холасининг Хосиятхон деган дугонаси бор эди. Хуршида баъзан холасини шу дугонаси билан машинада у-бу жойга олиб бориб қўярди. Хосиятхон Хуршиданинг чиройига, чаққонлигию кўнгли очиқлигига жуда ҳавас қиларди. Келаётган совчиларга рўйхушлик бермаётганини эшитиб, Австралияда яшайдиган жияни билан учраштиришни кўнглига тугиб қўйди.

Кўп ўтмай Дониёр Австралиядан Тошкентга келди. Хосиятхон жиянини Хуршида билан учраштирди. Ўзидан уч-тўрт ёш катта бўлишига қарамай, анча катта кўринадиган, кўримсизгина бу йигитнинг нимасидир Хуршидага ёқиб қолди. Аммо шу учрашганларича Дониёр бир ҳафта-ўн кун жим бўлиб кетди. Бу орада у бошқа «номзод»лар билан ҳам кўришиб чиққач, уларнинг ичидан негадир Хуршида маъқул келди. Чиройли, замонавий, чет тилини билади, иккита дипломи бор, бунинг устига тикиш-бичиш, пишириш каби ҳунарлар эгаси. Ўзини тутиши, муомаласи самимий ва болаларча беғубор. Дониёрга айнан шундай қиз керак эди.

Унинг уйидагилари Хуршидаларникига келганда ота-онаси қизининг раъйига қарашди. Ниҳоят, розилигини олингач, нон синдирилди. Бу орада Дониёрнинг таътили тугаб, Австралияга қайтиб кетди. Бир ярим йил давомида улар интернету, телефон орқали гаплашиб туришди. Ҳар галги суҳбатларида Дониёр Хуршидага бўлғуси ҳаётлари ҳақида сеҳрли эртаклар сўзлар, унга дунёларни ваъда қиларди. У эса бу гапларга ишониб, тезроқ ўша кунларнинг келишини интизор кутарди. Охири, тўй куни белгиланди. Аммо Дониёрнинг Тошкентга қайтиши учун виза билан боғлиқ ишлари ҳал бўлмади. Унинг қариндошлари келиб, тўйни куёвсиз ўтказишдан бошқа чоралари йўқлигини, бу ерда барча расм-русумлар бўлганидан кейин, куёвнинг онаси билан синглиси Хуршидани Австралияга олиб кетишлари, йўлда, Малайзияда Дониёр уларни кутиб олиши, ўша ерда никоҳ ўқитишлари ва «асал ойи»ни ўтказиб, кейин Австралияга кетиб, виза билан боғлиқ ишлар ҳал бўлгач, расмий никоҳни қайд этишларини айтишди. Бу Хуршиданинг отасига ёқмади. Тўй тўхтатилишини, қачон куёв келса, шундан кейингина бўлишини билдирди. Аммо тўйга таклифномалар тарқатилган, қариндошларга хабар берилганди. Бунинг устига узоқдан туриб Дониёр Хуршидага таъсир ўтказа бошлади. Ўзининг ноиложлигини, бунинг устида расмий маросимлар уларнинг бахту иқболларини белгиламаслигини тинмай тушунтирарди. Охири Хуршиданинг ўзи отасига тўйни қолдирмаслигини илтимос қилди. У ноилож қизининг айтганига кўнди.

Тўй куёвсиз ўтди. Хуршида чиройли келин бўлишни, танлаган ёри уни қўлидан тутиб, тўйхонага етаклаб киришини қанчалар энтикиб кутганди. Аммо тўйи куни унинг ёни бўм-бўш эди. Айниқса, Хуршидага ҳавас қилганлар унга роса ачинишди. Тўйга йиғилганлар ҳар хил гапларни гапиришар, воқеалар қандай давом этишини кузатишарди. Ўзига атрофдагиларнинг ачиниш, хайрихоҳ нигоҳларини ич-ичидан ҳис қилса-да, Хуршида буни ёмонликка йўймади. Ҳали чиройли кунлар, гўзал ҳаёт олдинда эканлигига ўзини ишонтирди. Фақат қариндошлардан биттаси кўнглидан ўтказганини Хуршидага айтишдан тап тортмади. У ҳар замонда жиянининг олдига келиб, яна бир бор ўйлаб кўришини, ҳали ҳам кеч эмаслигини, бу тадбирлар ҳеч нарсани ҳал қилмаслигини, охирги қарорни фақат угина ҳал қилиши лозимлигини қайта-қайта такрорларди. Ҳатто Хуршидани аэропортда кузатаётганларида ҳам ўша хола айтган гапини такрорлади. Аммо Хуршида ҳеч нарсани ўйламасди, тезроқ Малайзияга ёрининг ёнига етиб бориш орзуси билан ёнарди.

Малайзияга Хуршидани куёвнинг онаси ва синглиси олиб кетди. Уларни Дониёр кутиб олди. Масжитда никоҳ ўқитишди. Ўн кун бу юртда сайру саёҳат қилиб, сўнг Австралияга жўнаб кетишди...

Дониёр қурилиш компаниясида бригада бошлиғи бўлиб ишларди. У эрталаб ишга кетар, кечқурун қайтарди. Дониёрнинг онаси синглиси билан ательеда тикувчи бўлиб ишларди. Хуршида ёлғиз ўзи уйда қолар, рўзғор ишлари, пишир-куйдир билан банд бўларди. Уларнинг Дониёр билан ширин биргаликдаги ҳаёти икки ой давом этди. Шундан кейин куёв келиннинг ҳаракатларидан, қилган ишларидан, юриш-туришидан тинмай камчилик топиб, жанжал чиқара бошлади. Хуршида қанчалик ҳаракат қилмасин, унинг кўзига борган сари ёмон кўринаверди. Ҳар кунги жанжаллар Хуршиданинг юрагини зада қилиб қўйди. Энди Дониёр ишдан келса ўз-ўзидан яширинадиган, унинг кўзига кўринмасликка ҳаракат қиладиган бўлди. Бундай муомалани умрида кўрмаган, ҳамиша кулиб турадиган Хуршида ўзини жуда ёлғиз сезди. Ўқиганлиги, тил билганлиги боис бундай яшашга чек қўймоқчи бўлиб, уйининг яқинидаги Модалар уйига либослар дизайнери бўйича мутахассис бўлиб ишга кирди.

Жанжалнинг энг ёмони шундан кейин бошланди. Энди Дониёр Хуршидани таъқиб қилар, кўчага чиқишни таъқиқларди. У билан ҳеч кимни гаплашишга қўймасди. Аввалари келинининг ёнини оладиган қайнонаси ҳам жанжаллардан чарчаб, ўғли нима қилса ҳам аралашмай қўйди. Хуршида уйдан чиқиб кетди. Ижарада туриб, ишлай бошлади. У ҳамма оилада ҳам шундай жанжаллар бўлишини, бир оз вақт ўтгандан кейин яна Дониёр билан «тил» топишиб кетишига умид боғлаганди. Шунинг учун алоҳида яшаётганини уйидагиларга билдирмади. Шундай кунларнинг бирида Хуршиданинг онаси қўнғироқ қилиб қолди. Қизининг овозидан кўнгли нималарнидир сезди. Етти ой бўлишига қарамасдан қизининг ҳужжатлари ҳал бўлмаганди. Бундай норасмий яшаш мумкин эмаслигини куёвига ўзи тушунтирмоқчи бўлиб қизидан уни телефонга чақиришини сўради. Хуршида «уйда йўқ» деб баҳона қилди. Икки-уч сафардан кейин у Хуршидани ёлғиз яшаётганини билиб қолди ва тезда самолётга чипта олиб, Тошкентга қайтишини тайинлади.

Хуршида бир ҳафтадан сўнг пойтахтга қайтиб келди. Аммо у бошқа Хуршида эди. Озиб-тўзиб кетган, илгаригидай кўзлари кулиб турмасди. Ўта камгап ва одамови бўлиб қолганди.

— Мен илгари ҳамма нарса ўзимга боғлиқ, деб ўйлардим. Агар мен ҳаракат қилсам, ҳаммаси яхши бўлади, ҳамма мени яхши кўради, деб ўйлардим, — дейди Хуршида. — Афсуски, ундай эмас экан. Ўзимга бўлган ҳаддан зиёд ишончни ҳаёт шундай синдириб қўйди. Ахир аслида менинг ўзим эдим-ку, хорижда, ҳаммадан бошқача яшашни хоҳлаган? Мен эдим-ку, эртаклардаги шаҳзодани қидириб, совчи қўйган йигитларни ўзимга муносиб кўрмаган? Охири нима бўлди? Расман турмушга чиқмаган аёлман. Паспортимда турмушга чиққанлигимни ифодаловчи муҳр йўқ. Лекин турмушнинг муштини кўриб улгурдим. Балки Тошкентда яқинларимнинг олдида бўлганда Дониёр билан яшаб кетармидим.

Хуршида мутахассислиги бўйича ишламади. Одамларнинг сўраб-суриштираверишларидан уялди шекилли, савол-жавобни ўзига эп кўрмади. Қўлида ҳунари борлиги учун уйда ўтириб кўйлаклар тика бошлади. Вақт ўтиб, Дониёрнинг ўзига етказган ситамларини кечирди. Аммо у билан яшашни хоҳламади.

— Бу менга ҳаётнинг аччиқ сабоғи бўлди. Ҳозир интернет орқали танишиб ёки таништирувчи агентликлар орқали хорижга турмушга чиқаётган қизларни ўйласам, очиғи, раҳмим келади. Ватандан, яқинларидан, дўст-ёрларидан олисда яшашнинг қанчалик оғир эканлигини улар ҳали билишмайдида. Мен-ку, ўзбек йигитга тегиб, шунчалик қийналдим. Ҳали тилини, урф-одатларини, қадриятларини билмайдиган одам билан турмуш қуриб, бахтли яшаш осон эмас. Яқинда курсдош дугоналаримдан бири хорижлик кишига турмушга чиқаётганини айтиб қолди. Мен унга шошилмасликни, аввал яхшилаб ўрганишини, бир-бирини тушуниб, оилавий уйғунликни яратиб яшашга кўзи етса, кейин рози бўлишини маслаҳат бердим. Ахир ота-боболаримиз бежиз «Ҳар ерни қилма орзу, ҳар ерда бор тош-тарозу», деб айтишмаган.

**Назира ҚУРБОН,**
**«Оила ва жамият» мухбири.**

# ДОЛЛАРФУРУШ ЖАЗОЛАНДИ

ҚИЛМИШ-ҚИДИРМИШ

Шуҳратнинг Сайёра билан танишганига унча кўп бўлгани йўқ. Шу давр орасида бир неча бор телефонда гаплашишди, холос. Ўша куни соат тахминан 11-12 ларда Сайёра унга телефон қилиб, бирор жойда учрашишни, унинг пулларини долларга айирбошлаб беришини илтимос қилади. Шуҳрат рози бўлиб, соат 17 ларда «Дархон» кафеси ёнига айтилган 19750 АҚШ долларини олиб борди. Сайёра билан келишиб, ўзидаги 19750 АҚШ долларни 1700 сўмдан, жами 33 575 000 сўмга алмаштирди. Мазкур ҳаракати қонунга хилоф эканини билса-да, Шуҳрат Закиров бойлик ортидан қувиб, жиноятдан ўзини тийиб туролмади. Унинг қилмиши нафақат ўзига, балки яқинларига, ота-онасига ҳам зиён етказди.

Юқоридаги жараён давомида Департаментнинг Тошкент шаҳар бошқармаси тезкор ходимлари Шуҳрат Зокировни жиноят устида ушлашди. Унинг қилмиши қонунга зид экани тушунтирилиб, ундаги мавжуд 33 575 000 сўм масала қонуний ҳал бўлгунга қадар далилий ашё сифатида олиб қўйилди.

Яқинда Шуҳрат Зокиров Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг тегишли моддалари билан айбдор деб топилиб, унга нисбатан қонуний жазо белгиланди.

**Рифкат АХМЕТЗЯНОВ,**
**Бош прокуратура ҳузуридаги СВОЖЖДЛКК Департаменти Тошкент шаҳар бошқармаси ВОЖАБЭОО бўлими бошлиғи.**

ТАҚДИР СЎҚМОҚЛАРИ

# КЕЧИККАН БАХТ

Мен ўшанда мактабда ўқирдим. Юрагимга «чўғ» солган йигит мендан анча катта, шундоққина қўшнимиз эди. Бу ҳақда бировга оғиз очишга ҳам ҳайиқардим. Қолаверса, менинг ёшимда... севги ҳақида гапириш уят ҳисобланади. Уйда ҳеч ким йўқлигида деворнинг пастқам жойларидан қўшни ҳовлига мўралаб, Азамат акани кўзларим билан ахтарардим, уни кўрдим дегунча қандайдир англаб бўлмас ҳаяжон вужудимни эгаллаб оларди. Мен фақат хаёллардагина Азамат ака билан бирга бўлардим.

Мактабни битираётган йилим, «Азаматни қўшни қишлоқдаги қариндошларининг қизига унаштиришибди, шу йигит кўпчиликка маъқул-да, — деди ойим бир кун дадамга. — Қиз ҳам ўзига мос экан, илоё, бахтли бўлишсин».



Ўша кундан эътиборан ҳаловатим йўқолди. Мен севиб қолган инсоннинг бошқа бир қиз билан унаштирилаётганига ҳеч ҳам кўниколмадим. Лекин қўлимдан нима ҳам келарди?

Хуллас, тўй ҳам бўлиб ўтди. Улар билан ён қўшни бўлганимиз учун келинчак баъзан бизларникига ҳам кириб турарди. Мен кўз ўнгимда ял-ял ёниб, бахтдан маст бўлиб юрган келинчакни кўрганимда ич-ичимдан эзилардим. Кўрмайин ҳам, куймайин ҳам, деган уйда уйдагиларга «ўқишга кираман», деб туриб олдим. Дадам қаршилик кўрсатдилар, онамга йиғлаб тушунтирганимдан кейин ўртага тушиб, дадамни кўндирдилар. Мен аслида ўқишга эмас, муҳаббатимдан қочиб кетаётгандим. Яна, ўқишга кириб, талабалик қувончлари билан ҳаммасини унутарман, деб ўйлагандим. Афсуски, янглишган эканман. Мен севгимдан қанчалик узоқлашмайин уни янада қаттиқроқ севиб, соғинаётганимни ҳис этардим. Бу мумкин эмаслигини сезиб турсам ҳам, юрагим унга интиларди. Институтда ўқиб юрган кезларимда ҳам жуда кўп йигитлар йўлларимни пойлаб, севги изҳор қилдилар.

— Нима, сенинг юрагинг йўқми, муҳаббат нелигини англамайсан ҳам? — дея ҳазиллашарди дугоналарим.

Институтни битириб, қишлоққа қайтдим. Ўшанда Азамат аканинг турмуш ўртоғи оғир хасталикдан вафот этганлигини, икки нафар фарзанди билан ёлғиз қолганини эшитдим. Уларга раҳмим келди. Инсон ўзи кўриб юрган, таниган одамнинг бу дунёни тарк этишини эшитганда, у рақиб бўлса ҳам ёмон ўйларга боролмас экан. Қўшнимиз Робия холага ачинганимдан болаларга қараш, уларнинг кирларини ювиб, овқат тайёрлашга кўмаклашардим. Робия хола эса мени узундан узоқ дуо қиларди:

— Сениям бахтинг очилсин, қизим, бизларга ёрдам берсанг, Аллоҳ сенинг йўлингни очади, - дея мақтардилар.

Бир куни Робия холам қаеққадир кетди-ю, мен Азамат аканинг болалари билан қолдим. Бирпасдан сўнг уйга ўзи кириб келди. Бизларнинг супада болалар билан ўтирганимизни кўриб яқинлашди-да:

— Болалар сени қийнаб қўймадими? — деди. Кейин секингина эшитиб қолмасин дегандек, — булар ҳам онасиз жуда қийналиб кетишди, — деб шивирлади.

— Азамат ака, болаларингизга она керак, Робия холам ҳам қийналиб қолди, — дедим.

У ўйланиб туриб, сўнг менга қараб:

— Энди менга ким ҳам тегарди? — деди синиқ овозда.

— Қўйсангиз-чи, насиб этса, яхши аёл пешонангизга ёзилгандир, — дея унинг кўнглини кўтардим.

У менга синовчан тикилдида:

— Хўш, ўзинг, шу болаларга оналик қилишни истармидинг? — деб қолса бўладими?

Мен хижолат тортиб, бошимни эгиб чиқиб кетдим. Унинг гапларидан уялганимдан эмас, балки кутилмаган гапга қандай жавоб қайтаришни билолмай вужудимни титроқ босди. Орадан икки кун ўтиб, ишга кетаётиб яна уни кўриб қолдим. Азамат ака узр сўрагандай:

— Минг бора узр, ўша куни ҳазиллашаман, деб сени хафа қилиб қўйдим-а, — деди. Мен эса:

— Йўғ-е, нималар деяпсиз, ҳечам хафа эмасман, аксинча, энди ўйлаб қолдим, — дедим.

У аланглаб, ҳеч ким кузатиб турмаганига ишонч ҳосил қилгач:

— Дилфуз, мени тушун, на илож, тақдир шу экан, ўзимдан кўра болаларимни ўйлаб, сиқилиб кетдим. Ҳали кимга уйланаман, у ўгайлик қилса-чи? Шунинг учун...

Мен Азамат аканинг мақсадини сўзсиз тушундим. Ўзим ҳам кўнглимга яқин бу инсоннинг кейинги ҳаёти ҳақида туну кун ўйлардим, қандай ёрдам беришни билмасдим. Мана, ниҳоят, ўзи юрагини очди.

Хуллас, шу орада Азамат ака уйимизга совчи жўнатди. Бу ҳақда аввал онам мендан гап сўради. Розилигимни айтдим. Отам онамга жавраб кетди:

— Шунча йил ўқитган қизимни хотини ўлган эркакка берамани? — деб туриб олдилар.

Менинг қарорим жиддий эканлигини эшитганларидан сўнг ноилож рози бўлди. Икки нафар сағир қолган фарзанди бор инсоннинг хонадонига келинлик либосида кириб бордим. Қишлоқда турлича гаплар тарқалди. Гўё менинг ёшим анча катта бўлиб қолгани учун бева эркакка текканмишман. Мен учун бундай миш-мишларнинг сира қизиғи йўқ эди. Йиллар ўтиб, ўзим ҳам икки ўғил кўрдим, Азамат аканинг фарзандларини ҳам ўгайлигимни сездирмай тарбияладим. Ҳаммасига ўша илк қалбимга кириб келган муҳаббат сабаб бўлди. Севган кишинг учун ҳамма нарсага тайёр бўлар экансан. Кеч бўлса-да, бахтимни топдим. Армоним йўқ.

**Дилфузанинг кўнгил кечинмаларини Салоҳиддин СИРОЖИДДИНОВ оққа кўчирди.**

## «ЭНГ ЗУККО ОИЛА»

### ФИКР БЕЛЛАШУВИГА МАРҲАМАТ!

**1-САВОЛ**

**Бу воқеа Африкада бўлиб ўтади: Бир йигитнинг кўзига заҳарли илон туфлайди. Шундан кейин, унинг кўрмай қолиши аниқ, ҳаёти ҳам хавф остида эди. Бироқ, шу пайт тасодифан йигитнинг ёнига келиб қолган она унинг кўзини бир суюқлик билан ювади. Натижада йигитнинг кўзига ҳам, ўзига ҳам заҳар таъсир кўрсатмайди. Ўйлаб кўринг-чи, она йигитнинг кўзини нима билан ювган эди?**

**2-САВОЛ**

**Машҳур олим М. Лазарев ҳомилали аёлга ҳар куни соат 8:00да битта қўшиқни куйлашни уқтирди. Бу мунтазам давом этди. Кунларнинг бирида ёш ҳомиладор она белгиланган пайтда ўша қўшиқни айтишни унутиб қўйди. Шунда ҳомила «жаҳл» билан она қорнида шундай безовталаниб, типирчилаб кескин ҳаракатлар қила бошлади. Айтинг-чи, олим М. Лазарев ҳомиладор аёлга ҳар куни белгиланган пайтда қайси қўшиқни куйлашни уқтирган эди.**

**Ғолиблар учун таҳририятнинг махсус совғаси бор.**

ОДАМ САВДОСИ

# ЎЗИНГДАН ЧИҚҚАН БАЛО

... Бекободлик Гавҳар Орзиқулова (исми-шарифи ўзгартирилган) деган аёл ўтган йилнинг қиш ва баҳор ойларида республикамиз фуқароларидан ўн икки нафарини “сизларга Россиядан иш топиб беради” деб Дилфуза (дастлабки терговда шахсини аниқлаш имконияти бўлмаган) исмли аёл билан жиноий тил бириктириб, унинг ёнига жўнатиб юборади. Омск шаҳридаги иссиқхоналарда ишлашини айтиб, ойига камида 300 АҚШ долларидан ҳақ беришни ваъда берган Махфуза йигитларни кутиб олгач, дастлаб келишилган манзилга олиб бормайди. Аксинча, қаттиқ совуқ бўлишига қарамасдан, ҳеч қандай яшаш ва ишлаш учун шарт-шароитлари бўлмаган ўрмон хўжалигига бошлаб боради. У ерда янги иссиқхона қурилиши бошланган экан. Ўз ҳалол меҳнатлари ҳақини сўраб, балоға қолган содда фуқаролар оқибатда боплаб алданганини сезиб қолишади ва қандай қилиб бўлса-да, юртимизга қайтиб келиш ҳақида ўйлайдилар. Май ойининг охирларида болалардан бири вояга етмаганлиги сабабли ортига қайтарилади.

Ниҳоят, турли йўллар орқали минг азоба қочиб кетишга муваффақ бўлган йигитлар Бекободга келишгач, ҳуқуқни муҳофаза этиш органларига мурожаат қилишади. Ана шундан сўнг Г. Орзиқулова устидан жиноий иш қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари олиб борилди. Жиноий ишлар бўйича Тошкент вилояти Бекобод шаҳар судида кўрилган ушбу “иш” тафсилотларини батафсил ўрганиш жараёнида қизиқ ҳолатларга дуч келдик. Энг ажабланарлиси, ўз ихтиёри билан “қулликка” рози бўлган йигитлар то Россияга кетгунларигача ҳалиги аёлнинг кимлиги, шахси, қандай фаолият билан шуғулланиши билан деярли қизиқиб кўришмаган.

Бу ҳам майли, тайёргина, арзон ишчи кучларини кутиб олган Дилфузанинг хатти-ҳаракатлари, ўзини тутиши, одам ўрнида муомала қилмагани ҳам уларда деярли шубҳа уйғотмагани ҳайрон бўласан, киши. Тасаввур қилинг, ўз миллатдошлари, юртдошларини “сотиш” эвазига мўмай даромад топиб, бойимоқчи бўлган бу калтабин аёл нега эртаси не кечишини ўйламади? Ахир, у бу қилмиши билан жиноят содир этаётганини билмасмиди? Биларди, фақат нафс қурғур уни охири жарликка етаклади.

Албатта, Г.Орзиқулова қонунда белгиланган тартибда тегишли жазосини олди. Лекин товламачилар “қармоғига илинган” йигитлар фақатгина ўз она юртларида қадр топишларини, “бир зумда бойиб кетиш” орзуси Россия тугул олис океан ортида ҳам эртак эканлигини англаб етиб, керакли хулоса чиқаришган бўлишсалар бас.

**Мурод АЛИМУҲАМЕДОВ, жиноят ишлар бўйича Бекобод шаҳар суди раиси.**


**ОАЖ «3-АВТОБУС САРОЙИ»**

*«Д» тоифали ҳайдовчиларни*

**ИШГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!**

Жамият маъмурияти томонидан **ҳайдовчиларга** белгиланган ойлик маош миқдори — **250.000 сўм**дан **350.000 сўм**гача.

Уйларига элтиб қўйиш учун навбатчи автобус бириктирилади. Ишга қабул қилинаётганлар Тошкент шаҳрида рўйхатдан ўтказилган (вақтинчалик прописка ҳам инобатга олинади) бўлиши шарт.

*Мурожаат учун телефонлар: 248-64-45, 248-24-27*

*Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Собир Раҳимов тумани, Янги Олмазор (олдинги М. Мирпўлатов) кўчаси, 57-уй.*



*Талабаликнинг олтин даври инсон ҳаётида ўзининг ёрқин ва ҳаяжонли дақиқалари билан муҳим ўрин тутади.*
*Эркин камол топаётган ёшларимизнинг талабалик йиллари сермазмун ва бахтли ўтишини таъминлаш мақсадида*

**А Г Р О Б А Н К**

AGROBANK

юртимиз келажаги бўлмиш ёш авлод учун ўзининг янги
***"ТАЛАБАЛИК ОЛТИН ДАВРИМ"*** номли муддатли омонатини таклиф этади!

✓ **Маблағлар фарзандингиз 16 ёшга тўлгунга қадар қабул қилинади.**

✓ **Омонат фоиз ставкаси Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкаси миқдорида.**

Шошилинг, фарзандингиз учун мустаҳкам молиявий пойдевор яратинг!
Негаки, мазкур омонат тури орқали Сиз фарзандингиз олий ўқув юртига кирган тақдирда таълим контрактини тўлаш учун имтиёзли таълим кредити олиш имконига эга бўласиз.

Шунингдек, **«А Г Р О Б А Н К»** дан янги
хорижий валютадаги **"АГРОВИЗА"** ва **"АГРОСАХОВАТ"** муддатли омонатлари таклифи:

✓ **АГРОВИЗА** АҚШ долларида – **йиллик 10 фоиз**;
ЕВРОда – **йиллик 8 фоиз**.
Омонатдан тушган даромад миллий валюта – сўмда тўланади.

✓ **АГРОСАХОВАТ** АҚШ долларида – **йиллик 7 фоиз**;
ЕВРОда – **йиллик 6 фоиз**.
Омонатдан тушган даромад чет эл валютасида тўланади.

*Пулларингизни самарали бошқарибгина қолмай, Сиз пул ютуқлари ҳамда қимматбаҳо совғаларнинг*, яъни музлатгич, кир ювиш машинаси, рангли телевизорлар ва бошқа уй-рўзғор буюмлари каби ютуқларнинг ҳам эгаси бўлишни хоҳласангиз, ўз маблағларингизни фақат «АГРОБАНК»нинг миллий валютадаги янги ютуқли омонат турларидагина жамғаринг!*

***Йиллик 14 фоиз** миқдорида ҳақ тўланадиган **"Омад"** ҳамда **"Агрокапитал"** муддатли ва жамғарма омонат турларида маблағингизни кўпайтириб, ОМАД соҳиби бўлинг!*

*Шу билан бирга, **26 фоиз** миқдорида ҳақ тўланадиган **"Агролюкс"** муддатли омонатида маблағингизни кўпайтириб, юқори даромадга эга бўлинг!*
***Омонатлар бўйича ҳисобланган фоизли даромадингиз биринчи талабдаёқ берилади.***
***Унутманг, Ўзбекистон Республикасининг "Фуқароларнинг банклардаги омонатларини ҳимоялаш кафолатлари тўғрисида"ги Қонунига мувофиқ, жисмоний шахсларнинг тижорат банклари депозит ҳисоб варақларига жойлаштирилган пул маблағлари давлат томонидан ҳимояланган ва фуқароларнинг омонатлари бўйича ҳақ тўлашнинг ишончли кафолатлари қонунан юз фоиз таъминланади!***
***«Агробанк» омонатларига қўйилган пул маблағлари декларация қилинмайди ҳамда омонатчи ва унинг пул маблағлари ҳақидаги маълумот банк сири ҳисобланади.***

***Эслатиб ўтамиз, ютуқлар миқдори ютуқ чиққан ҳисоб варақларга матбуотда эълон қилинган расмий жадвалга асосан ҳар ойда ўтказиб борилади!**
***Қўшимча маълумот бўйича 150-53-65, 150-53-43 телефон рақамларига мурожаат этишингиз мумкин.***
***ПУЛЛАРИНГИЗ ИШЛАЙДИ ВА ДАРОМАД КЕЛТИРАДИ!***
***«Агробанк» — юрт ободлиги ва яратувчанлик ғояларининг молиявий таянчи!***

*Хизматлар лицензияланган.*

# ГАП ШУ ЕРДА ҚОЛСИН!

*БИЛСА ҲАЗИЛ...*

Болаликдан «шу гап шу ерда қолсин», деб қулоғимга қуйиб ўргатишган. Уйда бирон-бир дилхиралик бўлса, албатта онам шу гапни айтарди.

Дадам улфатлари билан чойхонада ўтирса ёки тўйига борса, маст аҳволда қайтар, оёқда зўрға турарди. Бунақа пайтда бирон нарсани баҳона қилиб, йўқ жойдан жанжал чиқарарди. Бақириб-чақирарди:

— Ҳой, ким бор? Анави сигирнинг кўзлари айтиб турибди, эрталабдан бери бир тутам хашак емаган. Мана бу палакат-супурги оёқ остида ўралашиб ётибди. Бир четга олиб қўйсаларинг бўлмайдими?

Аслида дадамнинг сигир кўзига қараб, ошқозонида нима борлигини биладиган хислати йўқ эди. Қолаверса, супурги ҳам ўз жойида турарди.

Барибир онам эътироз билдирмасди.

— Вой, дадаси, яхши келдингизми? Қани, қани сиз ичкарига кириб дамингизни олинг. Мен ҳозир сигирга қарайман. Супургини ҳам олиб қўяман...

Онам ниҳоятда тадбирли ва ақлли аёл эди. Уйимиздаги бақир-чақирни қўни-қўшнилар эшитиб қолмаслиги учун биринчи навбатда эшик-деразаларни ёпарди. Кейин эса дадамни тинчлантириш пайида бўларди. Орадан бироз вақт ўтиб, беўхшов хуррак товуши эшитила бошласа, демак, бўёғи қишлоқда тинчлик эди.

Онам мени ва укамни ёнига чақириб: «Шу гап шу ерда қолсин. Кўчага чиқиб оғзаларингдан гуллаб юрманглар. Қўшниларнинг олдида уятга қолмайлик, тағин», деб қаттиқ тайинларди.

Етти ёшга тўлиб мактабга бордим. Ўқитувчимиз жуда қаттиққўл эди. Кимдир дарсни вақтида тайёрламаса ёки тўполон қилса аяб ўтирмасди. Айниқса, биз—ўғил болаларни алоҳида хонага олиб кириб жазоларди. Кимдир йиғлар, кимдир иккинчи марта бу ҳол такрорланмаслигига сўз бериб зўрға қутуларди. Ўқитувчимиз эса «Шу гап шу ерда қолсин. Бировга айтиб юрманглар, йўқса, оқибати ёмон бўлади-я» деб уқтирарди.

Бир-бирини қувиб йиллар ўтаверди. Бўйимизга бўй, ёшимизга ёш қўшилди. Энди тенгқур жўралар бир жойга тўпланиб олишиб, ўзимизни қизиқтирган мавзу: қизлар ҳақида суҳбатлашадиган, баҳслашадиган, турли масалаларни муҳокама қиладиган бўлдик. Тарқалиш олдидан бир-биримизга тайинлардик: «Шу гап шу ерда қолсин. Кимнингдир қулоғига етиб боргудай бўлса, нақ бошимиз балога қолади-я».

Орадан йиллар ўтди. Уйланиб бола-чақали бўлдим. Баъзан хотиним билан арзимас сабабларга кўра, «сен-мен»га бориб қоламиз. Шунда беихтиёр «шу гап шу ерда қолсин, кўчага чиқиб кетмасин», деб одатий гапни такрорлайдиган бўлдим.

У ёғини сўрасангиз ишхонадаги раҳбаримиз ҳам ғалати одам. Кутилмаганда барча ходимларни бир жойга йиғиб мажлис ўтказади. Ишнинг олға силжишига халақит бераётган айбдорларни турғазиб қўйиб, роса изза қилади. Мажлис якунасалиши арафасида эса «Шу гап шу ерда қолсин. Ҳеч ким бир-бирига арз-гина қилиб юрмасин», деб тайинлайди.

Мен ҳам бу гапларни сизга азбаройи юрагим сиқилганидан айтдим. Шу гап шу ерда қолсин-а, тағин...

**Суюндик МАМИРОВ**

# ТИЛ БИЛГАН — ДИЛ БИЛАДИ

*ФАХР*

Бугун кўча-кўйда, мактаб ёки бирор ўқув юртида ёшларимизнинг турли тилларда бийрон сўзлашаётганини кўрсам, қувониб кетаман. Айниқса, пойтахтимизнинг диққатга сазовор жойларида хорижлик меҳмонларга жаннатмонанд юртимизнинг бой ўтмиши ва бугунги файзли кунлари ҳақида тўлқинланиб гапираётган таржимон йигит-қизларимизга ҳавас билан боқамиз. Буларнинг ҳаммаси истиқлолимиз шарофати эмасми?

Менинг ўзим ҳам хорижий тиллардан коллеж талабаларига сабоқ бераман. Очиғи, аввал кўнглимда озгина хавотир ҳам бор эди. Негаки, кўпроқ иқтисодий билимларга қизиқкан ёшларда чет тилларига бўлган қизиқиш сал сустроқ бўлса керак, деган фикрда эдим. Аксинча, бу даргоҳда таҳсил кўраётган ўқувчилар билан жуда тез "тил" топишиб кетдик ва қисқа давр оралиғида болаларнинг аксарияти француз ва инглиз тилларидан ўтиладиган дарсларни канда қилмайдиган бўлишди.

Айни пайтда инглиз тили бўйича талабаларга чуқурлаштирилган ҳамда кенгайтирилган қўшимча материаллар ва махсус дастурлар асосида билим беришга интиляпмиз. Албатта, бунинг учун коллежимизда барча шарт-шароитлар яратилган ва малакали ўқитувчилар ўз тажрибаларини ёшларга сингдиришяпти.

Шу ўринда яна бир ибратли жиҳатни таъкидлашни истардим: у ҳам бўлса, биз мураббийлар ўз шогирдларимизга бошқа тилларни ўргатиш билан бирга, энг аввало, ўз она тилимизни чуқур ва пухта эгаллаш уларнинг асосий бурчи эканлигини доимий равишда уқтирамиз. Чунки кимлигимиз, қаерда яшашимиздан қатъи назар, биз ўзбекмиз. Дунёда ҳар қандай миллат ва элат ҳавас қилгулик гўзал ва бетакрор тилимиз бор. Бу эса ҳар биримизга чексиз фахру ифтихор бағишлайди.

**Мамлакат АЛМАТОВА,**
**Тошкент банк коллежи ўқитувчиси.**

**Тошкент шаҳрининг сўлим Амир Темур хиёбонида жойлашган «Уголок» кафесини билмайдиган ёки у ҳақда эшитмаган одам кам бўлса керак. Ҳа, ҳаммага манзур, ўхшаши йўқ, юмшоқ, «мазали жўжалар» таоми таърифи кўп йиллар давомида ўз жарангини йўқотмай келаяпти. Кафе ташкил топгандан буён айримлар туғилган кунларини, талабалар стипендия олиб бойиганида, ёшлар эса чин дилдан дардлашмоқ учун мана шу сўлимгина, шинам масканни танлайдилар. Бу ерда узун навбатларга дуч келасиз... Ҳолбуки, ўтган давр орасида шаҳарнинг барча жойида қанчадан-қанча ошхоналар, кафелар, ресторанлар очилди. Ва ўз навбатида «жўжахўрлар» учун ҳам кўплаб катта-кичик таомхоналар фаолият юрита бошлади. Лекин барибир «Уголок»нинг ўз оҳанграбоси бордирки, кўпчилик шу ёққа шошилаверади. Хўш, бу мўъжазгина масканнинг қандай сир-синоати бор экан ўзи?**



# Ўхшаши йўқ «УГОЛОК»

**Миробид КАРИМОВ — «Муборак» МЧЖ раҳбари:**

— Самарқанд нонлари ҳақидаги машҳур ривоятни эшитгансиз-а? Бухоройи Шарифда ҳам худди ўшандай хамир тайёрлаб, нон пиширишса, ҳеч ўхшамаган... «Уголок» «табака»ларининг ҳам шундай сири бор, десам ишонаверинг. Тўғри, бизнинг жўжа пишириш услубимизни ўрганиб кетганлар кўп бўлди. Тайёрла-



ган таомларига гап йўқ, аммо мазасига келганда...

**— Қани, бу ҳақда ошпазлар нима дер экан? — деймиз иссиқ хонада қўли-қўлига тегмаётганларга юзланиб.**

— Билмадигу, лекин ҳамма гап меҳрда. Ҳар қандай жойнинг, у оддий дала бўладими ёки бозорми, дўконми, ўзига хос баракаси бўлади. Биз шу жой очилгандан буён ишлаймиз, — дейишди Абдунаби Юсупов, Аҳмад Аъзамов ва Бахтиёр Пўлатовлар. — Пишириш технологиямиз жуда содда: икки ойлик жўжаларга сметана ва зираворлар билан яхшилаб ишлов бериб, қизиб турган ёққа маълум муддат бостириб қўямиз. Қолгани ошпазнинг ижодкорлигига боғлиқ-да.

— Жараён осондек кўринса-да, ундаги бир чимдим масалликнинг ёки бирикки сониянинг ҳам аҳамияти катта рол ўйнайди, — дея уларни қувватлайди корхона технологи Нафиса Мирзаева. — Шу кафега ишга келганимда, 26 ёшда эдим. Мана, ўшанга ҳам 33 йил бўлибди...

— Менинг бу ерда ишлаётганимга 26 йил бўлди, — дея суҳбатни давом эттиради бош ошпаз Абдумалик Исмоилов. — Шу давр ичида мижозларимиз сони ошса-ошдики, камайгани йўқ. Албатта, бу — қўли кўнгилдай очиқ ходимларимизнинг маҳоратига берилган муносиб баҳо деб биламан. Чунки биз шу одамлар учун ишлаймиз. Талабга яраша таклиф, деган қоидага қатъий амал қиламиз.



**— Умуман, «УГОЛОК»нинг биринчи ташкилотчиси ким бўлган?**

— Хиёбоннинг Темурийлар тарихи давлат музейи тарафида жойлашган мўъжазгина кичкина таомхона тажрибали ошпаз Рубен Михайлович Болиев ташаббуси билан 1964 йилда очилган бўлиб, ҳозирги Юнусобод тумани ошхоналар трести таркибига кирган, — дея ҳикоя қилади Миробид Каримов. — Дастлаб жамоа 20 киши билан иш бошлаган. Кейинчалик кафенинг иккинчи қавати қурилиб, у ерда қўшимча равишда турли хил таомлар тайёрлашга киришилди. Мустақиллик шарофати билан (1992 йилдан буён) корхона «Муборак» масъулияти чекланган жамият ҳолида фаолият кўрсатаяпти. Жамоамиз сафи ҳам кенгайди. Ҳозир бу ерда кам эмас, юздан ортиқ киши ишлайди. Уларнинг ижтимоий муҳофазаси, иш шароитлари доимий равишда диққат-эътиборимизда. Ходимларимиз учун бепул овқатлар жорий қилинган. Шунингдек, бўш вақтларида (корхона ҳисобидан) Митрофанов номидаги сув спорти мажмуасида сузиш билан шуғулланишади. Таътил пайтида жамоанинг ҳар бир аъзоси даволаниш — дам олиш масканларига бепул йўлланма олиш имконига эга. Тўй-маъракалар учун ҳам моддий ёрдамлар ташкил қилинган. Ходимларимизнинг фарзандлари ёз бўйи Бектемир туманида жойлашган «Мовий денгиз» оромгоҳида дам олишади.

**Миробид ака корхона томонидан республика ногиронлар жамиятининг Юнусобод тумани бўлимига ҳамда «Маҳалла» жамғармаси ёки кўмак сўраб келганларга кўрсатилган хайр-саховат ёрдамлари ҳақида гапирмади (биз уларни миннатдорлик билдириб йўлланган хатлардан билдик...)**

— Ўнг қўлинг берганини чап қўлинг билмасин, ўғлим, акс ҳолда муҳтожнинг елкасига тош юкланади, — дердилар раҳматли дадам — Ҳамид Каримов. У киши туман ошхоналар тресги раҳбари бўлганликлари учунми, оиламизда муомала маданияти, мижозларга муносабат, фойдазиённи, тарозига хиёнат қилмаслик руҳимизга сингиб кетган. Озиқ-овқат бўйича технологман. Тақдирни қарангки, тўнғич ўғлим ҳам менинг касбимга ихлос қўйди, олий даргоҳни тугатди. Бугунги ёшларни қаранг, юрагида ўти бор, қайноқ ва ниҳоятда дадил. Уларга ҳавасим келади. Ниятим, ўғлим ҳам менга ўхшаб, ҳалол ризқ-насиба топиб, эл-улус дуосини олсин. Қолаверса, элга манзур бўладиган бирор бетакрор таом турини яратсин...

**«Уголок»...**

Барибир кўнгилнинг бир четидан «нега энди шу номни ўзбекча аташмаган экан-а?» — деган фикр ҳам ўтди. Ва беихтиёр шу ҳақда Миробид аканинг ўзидан ҳам сўрадик. У киши кулимсираб: «Биласизми, одамлар ўрганиб қолган номлар бўлади ўзи. Бу жойни «Бурчак» деб ўзгартирсак ҳам бирорта киши «юр, ошна, «Бурчак»ка борамиз», демайди, «Уголок»ка кетдик», деб қўя қолади. Биз ҳам ўйлаганмиз, лекин аксарият аҳоли истеъмолидаги бу атамани ўзгартириш... шартмикан?» — деди.





Хуллас, пойтахтнинг қоқ марказида (манзилини ёзмасак ҳам ҳамма меҳмону мезбонлар беш қўлдай биладиган) «Уголок»да тайёрланган «табака»га иштаҳангиз қалай? Ёки бошқа бирор жойда учрамайдиган оппоқ буханка нонига (бу ҳақдаям сўрадик, лекин «узумини енгу, боғини сўраманг», дея ҳазиллашишди ходимлар) ҳам сира гап йўғ-а! Тилагимиз битта: «Уголок»дан мижозлар қадами ҳеч қачон аримасин!

**Санобар ФАХРИДДИНОВА,**
**«Оила ва жамият» мухбири.** (t)

**ОЙНАДАН ЎПКАЛАМА**

# Қимматга тушган хато

**Ўқишдан роса чарчаб чиққандим. Бекатга яқин дўкончадан чанқоқбосди ичимлик сотиб олдим. Бўшаган идишни кўтариб юришга эриниб, у ёқ-бу ёққа қарадим-да, идишни бекат чеккасига қўйдим. Бу ҳолатимни зимдан кузатиб турган бир аёл:**

— Яхши иш қилмадингиз, қизим, бу жамоат жойи-ку, ахир, — деди.

Ўзимни эшитмаганликка олиб, автобусга чиқдим. Автобус ҳам тез юра қолмади, қарасам, ҳалиги аёл рўпарамдаги ўриндиққа келиб ўтирди. Уятдан унинг кўзларига қаролмадим. Уч-тўрт бекатдан кейин, кекса бир аёл мункиллаб автобусга чиқди. Туриб жой бергим келмади, қўлимдаги газетани юзимга ёпиб, ўзимни ухлаганга солиб, кетавердим.

— Опоқи, келинг, мен ёшроқман, шекилли, ҳозирги ёшларда на иззат бор, на ҳурмат. Булар қаерда тарбия кўрган ўзи, билмайман, — дея ҳалиги аёл секин ўрнидан туриб, кампирга жой берди.

— Раҳмат, қизим, барака топинг, майли, куйинманг, балки чарчагандир, ё мазаси йўқдир? — дея жавоб берди онахон.

— Қайда, ҳозиргина, бекатдаям шу қизга танбеҳ берувдим, ўзини эшитмаганга олди. Энди қаранг, тескари ўгирилиб олганини. Бунақаларни келин қилишгаям қўрқасан, одам...

Унинг гапларини эшитиб, энсам қотди. Боплаб жеркиб берсаммикан, деб ҳам ўйладим. «Э, қўй, уни қайтиб кўраманми, йўқми, нима қиламан, ўчакишиб», дедим-да, манзилимга яқин қолганда автобусдан тушиб қолдим. Ва беихтиёр: «шунақа қайнонага келин бўлиб қолсам, нақ тирноқ ичидан кир қидиравериб, қон қилиб юборар экан-да», деб қўйдим...

Орадан бир ҳафта ўтар-ўтмас, дугонам Дилноза билан автобусда кетаётсак, яна ўша аёл рўпарамдан чиқиб қолса бўладими?! Таниш, ўткир нигоҳларидан кўзларимни олиб қочдим. Шу кунги айтган гаплари аламиданми, атайлаб жой бермадим ва ўзимни китоб ўқиб кетаётганга солдим. Дилноза бўлса уни кўриши биланоқ, дик этиб ўрнидан турди-да, илтифот қилди.

— Раҳмат қизим, қанийди, ҳамма қизлар сенга ўхшаса, — деб дугонамга миннатдорчилик билдириб, менга истеҳзоли равишда бир қараб қўйди.

Шу-шу бу аёлни қайта кўрмадим.

Бир куни икки дугонам билан кетаётсак, бўйлари баланд, гавдали йигит автобусга чиқиб, рўпарамизга ўтирди. У мени бировга ўхшатгандек тез-тез қараб қўярди. Унга кўз ташлаганимда, нигоҳини олиб қочди.

Эртаси куни институтга кетаётиб қарасам, талабалик гувоҳномам йўқолиб қолибди. Аниқ эсимда, сумкамга солгандим. Бирон жойда тушиб қолдимикан, балки уйда унутгандирман, деб ўзимни овутдим. Афсуски, уйда ҳам йўқ эди.

Орадан икки-уч кун ўтгач, мени деканатга чақиришаётганини айтиб қолишди.

— Саида, сизни манави йигит излаб келибди, — деди декан муовини сирли оҳангда.

Бурилиб қарадим, негадир у кўзимга таниш кўринди. Қаерда кўргандим? Ҳайрон бўлдим, «нега мени сўраб келибди, бу ерда ўқишимни қаердан билибди», деган савол кўнглимдан кечди.

У ҳижолат бўлиб:

— Ўша куни автобусдан тушиб кетаётсам, сизлар ўтирган ўриндиқда битта талабалик гувоҳномаси тушиб ётган экан. Шунга излаб келувдим сизни, узр...

Бу хабарни эшитиб, суюниб кетдим.

— Катта раҳмат сизга, — дедим-да, гувоҳномамни олиб ташқарига чопдим.

— Дилноз, гувоҳномам топилди, — дедим дугонамга қувониб.

— Роса омадли қизсан-да, — деди ўртоғим.

Дилноза гувоҳномамни олиб, ичини очганди, бир парча қоғоз ерга тушди.



Унда «Дарсдан сўнг сизни бекатда кутиб тураман», деган сўзлар ёзилганди.

— Саида, юрагидан уриб қолгансан, шекилли, — деди Дилноза.

Дарсдан чиқсам, ростдан ҳам у мени бекатда кутиб турган экан. Танишдик. Исми Жамшид экан. Шунча кутиб турганига қараганда, бу йигит ғирт бекорчи бўлса керак, деб ўйловдим. Йўқ, у ҳам институтда ўқиркан. Ўша куни бироз гаплашиб, сўнг хайрлашдик. Кетаётганида:

— Саидахон, энди кўришиб турсак бўладими сиз билан? — деб тортинчоқлик билан сўради.

Мен ҳам ҳеч нарса демай қайрилиб кетдим.

Шундан сўнг у деярли ҳар куни келадиган бўлди. Мен ҳам унга ўрганиб қолдим. Жуда дилкаш, очиқ кўнгил экан. Ниҳоят... Бир куни юрагини очди: жимгина, кўзларимга ҳам қарай олмай севги изҳор қилди. Қиз боланинг минг битта ноз-карашмаси бор, менам сўзсиз хайрлашдим. Лекин, очиғи мен ҳам уни...

Семестр тугагач, Дилноза билан шаҳар чеккасидаги бир касалхонада амалиёт ўтайдиган бўлдик.

— Сизлар юрак хасталиклари бўлими мудираси, олий тоифали шифокор Гулнора Йўлчибоевнага учрашинглар, у киши сизларга раҳбарлик қиладилар, — деди бизни бош шифокор ўринбосари рўйхатдан ўтказгач. Айтилган хона эшигини тақиллатдик.

— Кираверинг, — деган овоз эшитилди ичкаридан. Юрак ҳовучлаб, кирдик. Мен ҳалиги бўлим мудирасини кўрдиму... Ўзимни йўқотиб қўяй дедим. Бу ўша — ҳув аввал бекатда, сўнг эса автобусда мени одобсизлигим учун койиган аёл эди! Зўрға салом бердим. Опа ҳам бирдан таниди, шекилли, совуққина алик олди. Иккаламизни икки жойга амалиётга қўйди. Икки ойлик амалиёт гўё икки йилга чўзилгандек туюлди, менга.

Ўзим учун арзимас бўлиб туюлган кичкина одобсизлик ниҳоятда қимматга тушаётганди. Гулнора Йўлчибоевнанинг топшириқларини кўнгилдагидек бажарсам-да, менга нисбатан муносабати деярли ўзгармади. Лекин Дилноза билан жуда яқин бўлиб суҳбатлашар, буни кўриб, дугонамга ҳам ҳавас, ҳам ҳасад қилардим.

Амалиётимиз тугаётган куни Жамшид билан кўришдик ва у гап орасида уйимизга меҳмонлар боришини айтганида кўнглим тоғдек кўтарилди. Эртаси куни пешинга яқин бизникига совчилар келишди. Улар ўтирган хона эшиги орқасидан гап пойларканман, назаримда ҳаммаси жойида эди. Бир маҳал ойим:

— Чой олиб кир, қизим, — деб қолдилар. Юрагим така-пука бўлиб кетди. Ичкарига кириб, бошимни эгиб салом бердим. Қалтираб-қалтираб чой узатдим. Учинчи аёлга чой бераётиб, бошимни кўтардим-у, қўлларим титраб кетди... Юрагим тўхтаб қолаёзди. Қаршимда Жамшиднинг онаси — мен бекатда учратган аёл — Гулнора Йўлчибоевна турарди. Нега Жамшиддан ота-онасининг кимлиги ҳақида бир оғиз сўрамадим, балки у Гулнора Йўлчибоевна ўзининг онаси эканлигини айтганида борми, мен ўртамизда бўлиб ўтган кўнгилсизлик ҳақида унга айтиб берармидим? Энди унинг кўзларига қандай қарайман? Кун бўйи ичимни ит тирнади. Учинчи куни Жамшиднинг ўзи қўнғироқ қилди.

— Саида, узр... Онам рози бўлмади... — деб гўшакни қўйиб қўйди. Унга ҳеч нарса деёлмадим. Ўзимдан хафа бўлиб йиғладим...

Кўп ўтмай, Дилнозага совчилар келишди. Нимагадир шунча вақт ўзини менга яқин олиб юрган дугонам тез ўзгариб қолди. Курсдош қизлар йиғилиб, Дилнозанинг тўйига бордик. Ёр-ёр садолари остида келин-куёв даврага кириб келишди. Куёвга кўзим тушдию... ақлдан озай дедим. У Жамшид эди. Кўзларимдан алам ёшлари қуйиларди. Тез-тез қадам ташлаб, тўйхонадан чиқаётгандим, остонада Гулнора Йўлчибоевна билан тўқнашиб кетдим. Ортга қайтаяпману... қайси томонга юришимни билмасдим.

**Мухлиса АЗИМОВА оққа кўчирди.**




## ИГНАНИ ДАФН ЭТИШДИ?..

Японияда шундай одат бор – ҳар йили 8 февраль куни чеварлар ва модельерлар, ҳатто ҳамширалар ҳам игналарни дафн этишади. Бу удум "хари-куё", яъни "игна учун ибодат" деб ҳам аталади.

Мамлакатда бу одатга қадим замонлардан бери амал қиладилар. Ривоятларга қараганда, бундан бир неча аср муқаддам подшоҳнинг оёғига феодаллардан бирининг буйрасида қолиб кетган синиқ игна кириб кетади. У бундан ғазабланиб, барча синган игналарни кўмиб ташлаш ҳақида фармойиш беради. Шу-шу игнани дафн этиш японларнинг миллий удумларидан бирига айланиб қолган.

## ЙИҒИЛАДИГАН ВЕЛОСИПЕД

Таниқли дизайнер ва муҳандис Марк Сэндрес жуда кўп ғайриоддий буюмлар ишлаб чиқарадики, аукционларда уларнинг нархи ўн миллион долларгача кўтарилиб кетади. Унинг кашфиёти бўлмиш велосипеднинг сўнгги модели бутун дунёга оммалашиб кетди ва "IF Mode" мар-



касининг олтин медалини қўлга киритди.

Марк Сэндерс "Стрида" туркумидаги янги оригинал йиғма велосипеднинг 21 вариантини тақдим этди. Уларнинг ҳам ишқибозлари кун сайин кўпайгандан кўпаймоқда. Ўзига хос велосипед учбурчак шаклга эга махсус рама ҳисобига осон йиғилади.

Ёйилган ҳолда у одатдаги стандарт велосипеддан фарқи йўқ. Аммо фойдали қулайликлари кўп, сифати юқори. Бу велосипеднинг ўриндиғи умуртқа поғонасини тўғри тутишга имкон беради. Унча катта бўлмаган ғилдираклар эса ҳайдовчидан катта энергия сарфлашни талаб қилмайди. Бу янги кашфиёт соддагина йиғиладиган тизимга эга: олд ғилдирак орқадагисига параллел йиғилади ва барчаси оддий мослама билан маҳкамланади. Қарабсизки, бирпасда юклашга қулай, кўп жой эгалламайдиган ўзига хос мотоциклга айланади.

**Наргиза САРИМОВА тайёрлади.**

**ТУРМУШ ЧОРРАҲАЛАРИДА**

# Келин... қиз эмас-да!

Озода қайнсинглисининг эри яъни куёви — уста Абдуғаффор билан уй таъмирлаш ҳақида 5-10 дақиқагина гаплашди. Буни сал нарида эри кузатиб турганини сезди-ю, юраги шиғ этди.

Озода эри бўлар-бўлмасга жанжал чиқарса, «эркак оила устуни-да», — деди. Рашк қилса, «яхши кўрганидан қизғоняпти», — деб суюнди.

Шу тариқа яшаб, умри ўтганини ҳам сезмади. Бир-биридан ширин фарзандларни тарбиялади.

Мана, шу воқеага ҳам бир ҳафтадан ошди. Лекин Озоданинг ҳали бирор кун қулоғи тинчигани йўқ. Чунки эри «куёвим билан ўрталарингда бир нима бор», деган фикрга боргани учун жанжаллашгани-жанжаллашган. Озода ҳар қанча тушунтирмасин, Тожиддин унга барибир ишонмади. Ана шундай ҳар қадамидан шубҳаланган эркак билан яшаш ҳам осон эканми?

Ахийри Озода ичидаги ҳамма дардини қайнонасига бориб тўкиб солди.

— «Эр-хотиннинг уриши – дока рўмолнинг қуриши», мен нима дердим, ўзларинг ҳал қилинглар, — деди Рўзи хола бошини чайқаганча.

— Агар шундай бўлганида, мен сизга ичимни ёрмасдим. Жон, ойижон, айтинг, нима қилай? Ахир, бу туҳматга чидай олмайман. Ўзимни ўзим бир нима қилиб қўяман бунақада... кўзлари ёшланди Озоданинг.

— Вой, қўйсангиз-чи, бўлмағур хаёлларни, эрингизни шунча йилдан бери энди биляпсизми? — деди қайнона бепарвогина.

Озода Рўзи холадан бутунлай бошқа гапни кутганди. Лекин қайнонаси у хаёл қилгандек: «жон қизим, ахир сизнинг кимлигингиз, қанақа эканлигингизни мен яхши биламан-ку! Ўғлимнинг ақлсизлигидан куюнманг, кечқурун уйларингизга ўтаман, ўзим насиҳат қилиб қўяман. Фақат ёмон ниятингиздан қайтинг, сизга бир нима бўлса, гулдай набираларимнинг аҳволи не кечади? Болаларингизни уйлаб-жойлаб, ҳузурини кўринг», демагани аламини келтирди. Бу алам кейин ташига шундай отилиб чиқдики, ўзиям билмай қолди.

— Ойижон ундай бўлса, мен ҳозироқ куёвингиз Абдуғаффорни чақириб, ўғлингизнинг менга ноҳақлик қилаётганини исботлайман.

Шу пайт кутилмаганда қайнонаси йиғламоқдан бери бўлиб ёлборишга тушди.

— Шўргинам курсин, бу нима деганингиз? Агар шундай қилсангиз, куёвим қизимни уйга келтириб ташлайди, оиласи бузилади-ку! Йўқ-йўқ, асло бундай қила кўрманг. Шу гап шу ерда қолсин, биров эшитмасин, ўргилай сиздан. Учта боласини етим қилманг!

— Ойижон, келин барибир қиз бўлмас экан-да! Қизингизга, — унинг оиласига ачиняпсиз-у, менинг турмушимни ўйламаяпсиз-а? Ахир мен ҳам инсонман-ку, қачонгача бундай туҳматларга чидай?!

Озода йигирма йил деганда қайнонаси кўзига тик боқиб, шу сўзларни айтишга қандай ботинди, ўзи ҳам билмай қолди...

Гарчи Озода қайнонасига «ўз жонимга қасд қиламан», деган бўлса-да, ичида «худонинг ўзи асрасин, тавба қилдим», дея уч марта истиғфор айтди. Озода ана шундай фикрлар билан уйига қайтар экан, «Йўқ, сен яшашинг керак! Сенга туҳмат қилган эрингга поклигингни исботлаш учун яшашинг керак», — дея уйга шошилди...

**Шаҳзода АКБАРОВА**

Ўз таъбири билан айтганда, маърузалари ила аҳли Оврўпони бирқур анграйтиб ташлаб Париждан қайтган руҳшунос олим жаноб Дўланов олқишу таҳсинларга кўмилиб кетди. Турқи-тароватиi газета саҳифаларию, телеэкранлардан нари кетмай қолди. Таниш-нотаниш дўсту ёронлар бир-биридан ўзиб кутлашгани-кутлашган.

Жаноб Дўланов деганлари ўша маълуму машҳур чўл қўйнидаги 41-посёлкада туғилиб ўсган ўзимизнинг Самад, Дўланов Самад Эргаш ўғли. Бироқ айни чоғ уни дабдурустдан «ўзимизники», «чўллик» дейишга биров ботинолмайди; афт-ангорига, юриш-туришига шаҳар нуқси уриб кетган, келиштириб-келиштириб пойтахт лаҳжасида сўйлашади. Баъзи бирларга ўхшаб ижарама-ижара кўч-кўронини ортмоқлаб юргани йўқ, нақ марказдаги кўш қаватли гўшада уч хонали уйи бор. Болалари йўргакдан чиққандан бери инглизча боғчаю мактабга қатнашади. Ишқилиб, жаноб Дўланов, жаноб Самад деса дегулик.

Самад ўзини муборакбод этгали келган, юқори идоралардан бирининг масъул ходими саналмиш дўстини иззат-икром билан кузатиб қўйиб, изига қайтди.

Кеч кузнинг совуқ бир оқшоми. Шаҳар аллақачон қоронғуликка қоришиб кетган. Теваракдаги баланд-паст уйларнинг деразаларидан сон-саноқсиз электр чироқлар порлайди. Қай бир хонадондан қувноқ қийқириқлар, ола-тасир мусиқа садолари эшитилмоқда.

Самад муздек ҳаводан яйраб-яйраб керишди. Димоғи чоғ. Ҳалигина дўсти иккови ўртасида кечган сирлигина суҳбат ҳануз қулоқларини қиздириб борар эди. Унинг масъул ходимларга хос мужмаллик ва эҳтиёткорлик билан шипшишига қараганда, Самад илм бобида кўрсатаётган кароматлар катталарнинг ҳам диққат-эътиборида экан! Худо хоҳласа, яқин кунлар ичида бирор бир унвон ё нишон жаноб Дўлановга насиб этар эмиш!

Самад учқур хаёллар қанотида қандай қилиб ўз даҳлизида пайдо бўлганини сезмай ҳам қолди. Хотини Ширина ҳалигина жўшқин кечган зиёфат асоратларини бартараф этиш билан банд. Сўлдаги чоғроқ хонада ўн икки яшар ўғли компьютер ўйинига шўнғиган. Ёнида сингилчаси сақич чайнаб бетоқат кутиб турибди.

Самад залга ўтиб, юмшоқ курсилардан бирига ўтирди-да, ҳузур билан кўзларини юмди. У ўзини мақтовларга қизиқмайдиган, илму фан учун холис, фидойиларча хизмат қиладиганлар қаторига қўшиб юрса-да, айни чоғ дўсти келтирган муждалар ҳақида беихтиёр ўйларди: «Қизиқ, қанақа сийлов кутяпти мени? Ё... ё «хизмат кўрсатган» унвонини беришармикан?! Эҳ, жа-а зўр бўларди-да, бунақа омад, бунақа бахт ҳар кимга ҳам насиб этавермайди...»

Самад енгил бир шарпадан сергакланиб, кўзларини пирпиратганча очди. Думалоқ стол устига чойнак-пиёла келтириб қўйган хотини унга мулойимгина термулиб турарди.

— Ухлаяпсизми, домулло? Қўйинг-е, қани, бир пиёла аччиққина чой ичиб олинг, ҳордиғингиз чиқади.

Ширинанинг юз-кўзлари тўла табассум, мамнуният. Гўёки, аҳли Оврўпани қойил қолдириб келган эри эмас, айнан ўзгинаси, гўёки, эри энтикиб кутаётган мукофотни у аллақачон қўлга киритиб, сандиққа тиққан. Тоғни уриб талқон қилгудек бир кайфиятда дуррачасини қия-қия қўндириб, гулдор халатининг енгларини шимариб юрибди. Қадду басти тўлагина бўлса-да, саъй-ҳаракатлари дадил ва чаққон.

— Чарчамадингизми, хоним? – деб сўради Самад хотини назокат билан узатган бир пиёла чойни оларкан.

— Ву-уй, домулло, нега чарчарканман? Шунча илм қилиб қўйган сиз-у, бизларни чарчашга ҳаққимиз йўқ.

Ширина ўз сўзини исботлаб қўймоқчидек иргиб ўрнидан турди-да, яна ошхона томон қувноқ йўрғалади. Самад унинг ортидан бош чайқаб, истеҳзоли илжайиб қўйди. Хотинига бу қадар жўшқинлик, бу қадар илмпарварлик ато этган тилсим унга

# ЧЎЛДАН КЕЛГАН ТАШВИШ

## Ҳикоя

***Лукмон БЎРИХОН***



жуда яхши аён: Самад, хув, Парижда майда-чуйда харажатлар учун берилган пулнинг хийлагинасини қисиб-қимтиб, тежаб-тергаб қайтган, бўсағадаёқ талай совға-саломлар ила хотинининг қўлига тутқазган эди. Шушу Ширина ял-ял яшнаб қолди. Агар, бу пуллар мўмайгина даромад бўлишидан ташқари, «домулло» олис юртларга ҳеч бир қинғир-қийшиқ йўлларга юрмай, вафодор эр сифатида, қати бузилмай уйга қайтганидан далолат ҳам эди-да!

Самад иссиқ, хуштаъм чойдан босиб-босиб ҳўплади. Шу пайт столнинг бир чеккасида ғужанак тортиб турган телефон устма-уст жиринглаб юборди. Самад эринибгина узалди-да гўшакни кўтарди.

— Ал-ё.

Нариги томондан ҳаяжонга тўла, бўғиқ бир саҳройи товуш эшитилди.

— Ол-а, ола-а! Бу ким, Самад, ўзингми?

— Ҳа, мен, — аранг сас берди навқирон олим, юраги алланечук ноxушликни сезиб.

— Ола-а-а, бу мен, Улаш акангман, танимадингми-а, ола-а? Шаҳрингга би-ир кеп қолдик-да, хайрият уйда экансан...

Самаднинг таъби тирриқ бўлди. Бу вайсақи, ичкиликбоз нусха шаҳарда пайдо бўлибдими, демак муқаррар уникига дориди! Ёлғиз ўзи эмасдир? Соғиниб кетдик сени, деб уйга уч-тўрт кун танда қўйиб олса борми?! Йўқ, бирор бир силлиқ баҳона билан бу даҳмазанинг йўлини тўсиш керак, эсам, Ширинадан балога қолиши тайин. Кейин минг бир Парижнинг минг қоп пулини орқалаб келса ҳам бу гуноҳини юволмайди. Ана, чўл исини олди, шекилли, хотини ҳурпайган қўйи бир-икки ёнига келиб кетди. Самад қўл силтаб уни ошхона томон ҳайдаган бўлди. Сўнг:

— Ҳа, гапираверинг, Улаш ака, қулоғим сизда, — дея телефон гўшагига тўнғиллаб қўйди.

Ҳолбуки, бусиз ҳам Улаш ака деярли нафас олмай, ҳаяжон билан гапириб ётар, гоҳ аллакимнинг саломини етказса, гоҳ чўл янгиликларига узук-юлуқ кўчар эди. Ҳамюртининг бу қадар тўлқинланиб, шоша-пиша гапириши Самадга ёқиб, кўнглида умид уйғотди: «Ҳарқалай, телефонда гаплашиб, хайр-хўш қилмоқчи-ёв...»

Бироқ лаҳза ўтмай хафсаласи пир бўлди.

— Ола-а-а, ол-а, — деб қолди бир пайт саҳройи сўхта. — Самад, сенинг вақтингни олиб, тилфонда гапириб ётганимни қара-я, уйингга боргач бемалол...

Самад шоша-пиша тилга кирди:

— Йў-ў, йў-ў, гапираверинг, Улаш ака, овозингизни эшитиб турганимдан жуда хурсандман, гапираверинг, бемалол. Қаердан қўнғироқ қиляпсиз ўзи?

— Билмайман, — дея шарақлаб кулди Улаш ака. — Бир тилфонхонадан-да. Ҳозир шу ерга автобус тушириб кетди.

Таъби тобора тирриқ тортиб, энсаси қотаётган Самад вайсақи,ароқхўр нусхани бир амаллаб уйига йўлатмаслик учун хаёлан баҳона изларкан, атай гапни чўзди.

— Қандай ташвишлар билан юрибсиз ўзи, Улаш ака?

— Э, ҳали кўришганда айтаман. Ташвиш эмас, хайрли иш, Самадбой, хайрли иш.

— Са-ал учини чиқаринг-да, ака, ичим қизиб кетяпти.

Саҳройи сўхта тағин шарақлатиб кулди, сўнг томоқ қириб-қириб тилга кирди.

— Қўймайсан-да, Самадбой. Мен тилшунослик илмида бир кашфиёт қилдим.

— Кашфиёт?!

— Ҳа, ҳали икковимиз тоза машҳур бўб кетамиз. Сен мени тил билан шуғулланадиган жойларга олиб борасан.

— Қанақа кашфиёт, Улаш ака?

— Ҳозирча сир.

— Об-бо, айта қолинг, ҳеч қурса, андак имо-ишора қилинг.

Улаш ака тағин яйраб-яйраб кулди.

— Барибир илм одамисан-да, Самадбой, кашфиёт деган нарсани эшитсанг, қулоғинг динг бўлади. Ҳўп, майли, салпал сиримни шамоллатай, хўўш-ш... мен «қаҳрамон» сўзининг антонимини топганман.

— Нима? «Қаҳрамон» сўзининг антоними?! Бунинг нимаси кашф...

Шу пайт алоқа туйқус узилиб, телефон гўшагидан «дут-дут»лаган қисқа-қисқа сас эшитила бошлади. Бирқур енгил тортган Самад гўшакни жойига қўйиб, ошхона ёкдан бош кўрсатган хотинига ташвишли тикилди.

— Ким экан, жа-а апоқ-чапоқ гаплашдингиз? — сўради Ширина. Эрининг биқинига қадалгудек ҳолатда яқинлашаркан. — Бирор чет эллик оғайнингизми, исмлари ҳам ғалати экан.

— Чет элликдай гап, чўлдан келган. Ғирт алкаш, жинни одам. Агар унинг қўлига тушар бўлсам, нақ бир ҳафта тинкамни қуритади. Бир бош оғриқ билан шаҳарга келганга ўхшайди. Уйингни ҳам пайтава қўлансасига бўктириб юборади.

— Ву-уй, — дея ёқа ушлади Ширина, мусичадек беозор қиёфага кириб.

— Ҳозир жиринглаcа сиз трубкани кўтарасиз: Мени сўраса... мени сўраса... — Самад ҳам чўлликни ранжитмайдиган, ҳам унинг олдида обрўсини бир карра кўтариб қўядиган баҳона излаб обдон бош қашлади. — Кароче, чет эл элчихонасига чақиртириб қолишди, денг.

Ширина димоғида илжайди.

— Хўп, хў-ўп, домулло.

Бироқ қайта қўнғироқ бўлмади. Ширина эри ёнида беш-ўн дақиқа солланиб, ҳозиру нозир тургач, тағин уй юмушлари билан қуймалана кетди. Самад эса юмшоқ курсисига бемалол ястанган қуйи хаёлга толди. Ҳалигина қулоқ-чаккасига болғадай урилган дағал товуш эгасининг қоп-қора, туршакдек афт-ангори бот-бот кўз ўнгига қалқиб чиқар эди.

Ҳа, ўша Улаш деганлари чиндан ҳам Самаднинг ҳамқишлоғи. Асли касби агрономлик. Аммо қурмағурнинг кўнгли шеъриятга шайдо. Хув, бир замонлар бир чимдимгина ғазали туман газетасида босилган. Шушу ўзини аҳли қаламлардан санайди, донгдор-донгдор битикларни у-бу давраларда худди ўзиникидай ихлосу эъзоз билан ўқиб бериб, донг таратиб юради. Шу боис бировлар масхараомуз уни агроном-шоир, деб аташади. Аллақандай Шурқор ҳобил отлиғ ёзувчи 41-посёлкага борганида Улаш ака билан танишиб, хўб ичкиликбозликлар силсиласида бир-бирларини ялаб-юлқаб, қиёматлиг оға-ини тутинишган экан. Оқибат шулки, оға ёзувчи кейинчалик агроном-шоир ҳақида «Жазирамадаги одам»ми, «Жазодаги одам»ми, деган асар битиб, унинг устидан сурбетларча кулган, маддоҳ, кўчирмачи сифатида таърифлаб агроном шоирни ўзича ер парчин айлаган. Аммо май шишаларига маҳкам таянган экан, шекилли... Улаш аканинг қаддини бу янглиғ таҳқирлар ҳуружи буколмаган.

Самад бултур баҳор адоғларида 41-посёлкага борган чоғи Улаш ака билан туйқус учрашиб қолишди. Агроном-шоир дала йўл ёқасидаги каллаклаб кесилган каттакон тут томонига орқа тираб, хомуш ўтирган экан. Эгнида жулдур камзул, оёғида йиртиқ ўн биринчи калиш, сийрак, тиканакдек соч-соқоли ўсиқ.

Улар қуюқ салом-алик қилишгач, Самад ўзича агроном-шоирга мойдек ёқар мавзуга кўчди.

«Ижодлар қалай, шоир ака, бошқасини қўйинг, шундан гапиринг»

«Харна... бўляпти» — деди Улаш ака истамайгина, кулимсираб.

«Э, бўшашманг-да, хув, илгари достонлар ёзиб ташлайман ҳали, деб карилаб юрардингиз, ваъдалар қани, шоир ака?»

«Самадбой, мен достон битсам, анови Шунқор ҳобилларнинг нонини яримта қилиб ташлайман-да».

«Э, яримта қилманг, ош-нонини буткул тортиб олинг қўлидан, ҳе-ҳе-ҳе, сиз шунга арзийсиз, шоир ака».

«Самадбой, — деди Улаш ака олис-олисларга ҳорғин тикилиб. — Шу... шоир бўлиш учун шеър-достонлар ёзиш шартми?»

«Ия, афандичалиш гап қилдингиз-ку, ака, албатта, шарт-да. Сиз зинғиллатиб ёзиб ташланг, «Жаҳон адабиёти» деган журналга чиқаришга ўзим гарантия бераман. Асарни тайёр қилингу, дарҳол шаҳарга кўтариб боринг. Мана, сизга менинг визиткам...»

Самад уй манзили, телефон рақамлари зарҳал ҳарфлар билан битилган бежиримгина қоғоз парчасини агроном-шоирнинг қўлига тутқазди.

Ўшанда у ака Улашнинг достон тугул икки қатор ўлан тўқишига-да ишонмаган, шунчаки, ичкилик касридан чувринди чолга айланиб қолган ҳамқишлоғига ҳазил-мазах билан пишанг берган эди. Қарангки, шаҳарлик олимнинг ишонмаганини пайқагандай, агроном-шоир, ниҳоят, шеъру-достонларни тинч қўйиб, ўзини тилшунослик илмига урибди! «Қаҳрамон» сўзининг антонимини топган эмиш...

(Давоми келгуси сонда)

МУНОСАБАТ

# КЎРНАМАКЛИК БАЛОСИ

## Ёхуд "Киракаш кўрган кўчалар" мақоласини ўқиб...

Тўғри, ҳар куни киракашларга ишимиз тушади. На уйқуни, на ҳузур-ҳаловатни билишади шоввозлар. Ярим тундаям, саҳармардондаям «қаерга бўлса борамиз» дея ҳозиру нозир.

Йўқ, мен бугун улар орасида пул ё мижоз деса томни-ку қўяверинг, ҳатто жардан ҳам ташлашга тап-тайёр турганлари ҳақида гапирмоқчи эмасман. Ёки бўлмаса, деярли ҳар лаҳза сизу бизнинг (гўёки ўз умри машинаси билан биргаликда суғурталаниб, қўлига "кафолат хати" тутқазиб қўйилгандай) ҳаётимизни хавфу хатарга қўйиб, шаҳарнинг қоқ марказида ҳам ўқдай учиб юргувчи нафси ҳакалак отган киракашлар хусусида ҳам мулоҳаза юритиш ниятим йўқ. Уларга фақат ва фақат Оллоҳдан инсоф ва озгина...сабру бардош тилайман, холос!



Киракашларнинг тоифаси кўп: биринчиси инсофли, диёнатли, иккинчиси уддабурон ва кўнгил билан "қўшиб" пулингизни ҳам олади, учинчиси сурбет ва нақ елимнинг ўзгинаси, ёпишса қўймайди, тўртинчиси қип-қизил товламачи, куппа-кундузиям талашдан қўрқмайди, бешинчиси "тирикчилик" учун чекка-чеккада номига, қўл кўтарсангиз тўхтайди, улар билан муроса қилса бўлади, олтинчиси... Санайверсам, кўп экан, шекилли. Яхшиси, мен сизга бошқа бир яъни кўрнамак киракашлар тоифаси тўғрисида мисол келтирмоқчиман.

Улар жуда мулойим, кулиб туради, кўпам савдолашмайди ва энг ёмони...одам танлайди! Зиёлинамо ёки бирор масъулроқ идорада ишлашингизгача эътибор беради. Ва машинасига ўтиришингиз биланоқ... дийдиёсини бошлайди.

... Куни кеча Қўйлиқ бозоридан Чилонзордаги касалхонага тезроқ етиб олиш учун машина тўхтатдим. Ёши олтмишлар атрофидаги ҳайдовчи илиқ салом-аликдан сўнг қисталанг қилмай, кира ҳақиниям инсоф билан айтди-да, бошқа одам олмасдан йўлга тушди. Бирпасдан сўнг иш жойим, қаерга, нимага шошилаётганим ҳақида самимий оҳангда сўради. Қисқагина жавоб бердим. Кейин яна ўсмоқчилаб,"ойлик яхшими, рўзғорга етяптими ишқилиб? Бозордан гўшт ҳам олиб турасизми? Нарх-наво қалай, чет элда фалон минг доллар олишади сиздай йигитлар, бизда эса..." дея гап бошлади. Мен касалхонада оғир дард билан олишаётган жигарим ҳақида ўйлаб кетяпману, бу одамнинг ғалати саволлари ва жавобни ҳам эшитмасдан яна ва яна тинмай ёзғириш, нолишлари қаттиқ таъсир қилди.

Ва ўзидан сўрадим: "Қанча пенсия оласиз? "Дом"да яшайсизми? Машинангиз "аренда"ми?"

Жавобларини эшитинг: "Пенсиям — 160 минг, 9 сотих ҳовли, 15 хонали уйда кичик ўғлим билан тураман, икки ўғлим алоҳида яшайди, нималар деяпсиз, қанақа аренда оқаси, бу «Матиз"ни катта ўғлим олтмиш ёшимда подарка қилди. Яна битта машинамиз бор, 15 кишилик, тўй-пўй, дам олишларга чиқамиз"...

**Ана холос, ҳозиргина нуқул нолишдан бошқани билмай, бетиним жавраётган бу амакининг оғзини тўлдириб, мақтанишини қаранг-а! Уни энди ким деб атаalmost мумкин, айтинг-чи?**

**Изоҳ шартми энди бу мисолга! Ана шундай ноинсоф ва кўрнамаклардан қўрқинг!**

**ЙЎЛОВЧИ**

## «ИНФАРММАДАД»

**Саломатлик марказига марҳамат!**

*Марказда сизнинг хизматингизда — эндокринолог, невропатолог, кардиолог, гинеколог, уролог, гельминтолог, лор, окулист, болалар невропатологияси соҳаларида малакали шифокорлар (УЗИ, ЭХО, ЭКГ, лаборатория, физиотерапиялар) фаолият олиб борадилар.*

**КЎПЛАБ ОИЛАЛАРГА ФАРЗАНД ҚУВОНЧИНИ ТУҲФА ЭТИБ КЕЛАЁТГАН САЛОМАТЛИК МАРКАЗИ СИЗНИНГ ҲАМ ХОНАДОНИНГИЗДА ЧАҚАЛОҚ ОВОЗИ ЯНГРАШИГА САБАБЧИ БЎЛАДИ!**

*Ёш келинлар турмуш ўртоғи билан ҳомиладорлик вақтида «Бўлажак оналар мактаби»га қатнаб, тегишли маслаҳатлар билан бирга даволаш гимнастикаси (ЛФК), психоневролог, кардиолог (ЭКГ) кўригидан ўтиб, фойдали йўл-йўриқлар олиб туриши мумкин.*

***Эндигина дунёга келган чақалоқ эса мунтазам равишда болалар невропатологи, педиатр, психолог, эндокринолог, логопед, гельминтолог кўригида бўлади.***

*Ҳурматли эркаклар! Агар сизда бел, қовуқ соҳасида оғриқ бўлса, тунда ҳожатга тез-тез чиқиш, пешоб келгандан сўнг ачишиш, жинсий ожизлик, бепуштлик, сабабсиз бош оғриғи, бел, бўйин оғриб қотиб қолиши, асабийлик, уйқусизлик, семизлик ҳолатлари кузатилса, малакали уролог, сексопатолог, невропатолог, эндокринолог ёрдамида барча дардлардан тезда фориғ бўлишингиз мумкин.*

***Балоғат ёшидаги қизларда ҳайз келганда кучли оғриқ бўлиши, бепуштлик, сабабсиз қон кетиши, тухумдон кистаси, асабийлашиш, қирқ ёшдан ошган аёлларда қон босими ошиши, терлаш, миома, эрозия ҳолатлари бўлса малакали гинеколог, невропатолог, кардиолог, эндокринолог ёрдамида даволанади.***

**МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент шаҳри, «Ғафур Ғулом» метро бекати.**

**МЎЛЖАЛ: Цирк томонга 150 метр юрилади.**

**Тел: (8-371) 244-73-24, 244-49-02**

*Барча хизматлар лицензияланган.*

Бахтли бўлинг! Бахтли бўлинг! Бахтли бўлинг!




## БАХТИ БУТУН БЎЛАРМИКАН?

«Кенжамиз Дилдорани бир дунё орзу-ҳавас билан узоқ қариндошимизнинг ўғлига узатдик. Никоҳ тўйига келганларнинг уларга ҳавас билан, «икки ёш узукка кўз қўйгандек экан», деганлари ҳали-ҳамон қулоғимда. Куёвимиз кўнглимиздагидек жуда бамаъни йигит эди. Қизимнинг ранг-рўйига, юриш-туришига қараб тушган жойига эл бўлиб кетди, деб ич-ичимдан қувонардим. Қуда тарафдан нуридийдам ҳақида илиқ гапларни эшитиб, кўнглим тоғдай кўтариларди. Афсуски, қувончимиз узоққа чўзилмади. Баҳодиржон автоҳалокатга учраб, вафот этди. Олти ойлик келинчакликда бева қолган қизимнинг қайғусига шерик бўлиш, уни қайта ҳаётга умид кўзи билан қарашга ундаш мендай онаизорнинг қаддини букиб қўйди. На илож...

Мана, шунга ҳам етти йил бўлибди. Хоразмликмиз. Қизимнинг ёши 28 да. Маълумоти олий. Фарзанди йўқ. Унинг келгуси ҳаётини ўйлаб, тунлари мижжа қоқмай чиқаман. Ўзига мос, уни бахтли қила оладиган, 30-36 ёшгача бўлган эркак овоз берса, қизимизни «эгаси»га топширардик.

**Гулсум она».**

## ЁЛҒИЗЛИК ЁМОН ЭКАН...

«Йигит уйлангач, аёли унинг ярмига айланади, дейишади. Афсуски, не-не умидлар билан бир ёстиққа бош қўйган умр йўлдошим менинг ярмимга айланолмади. Йиллар давомида уни ўзгарар, деб тишимни-тишимга қўйиб келдим. Фарзандларим туғилгач, уларни ўйладим. Касбим ҳайдовчи. Иссиқни-иссиқ, совуқни-совуқ демай меҳнат қилардим. Аёлим бирон марта, «чарчаб келдингиз», демасди. Йўқ жойдан жанжал чиқариш унга одат бўлиб қолганди.

Йиллар ўтиб фарзандларимиз ҳам оила қуришди. Қуда-андали бўлдик. Лекин аёлим ўзгармади. Асабларим чарчади. Қонуний равишда ажрашдик. 6 йилки, сўққабошман. Ёлғизлик ёмон экан. **Ёшим 54 да.** Навоий вилоятиданман. Давлат автокорхонасида ишлайман. Қадримга етадиган, уйим-жойим дейдиган, оқила аёл учраса, оила қурардим.

**Рустам».**

## ФАРЗАНДИМИЗ БОР

Синфдошим Элбек билан бир-биримизга кўнгил қўйгандик. Лекин унинг аммаси билан отам турмуш қуриб, фарзанд кўришмаганликлари туфайли ажрашиб кетишган экан. Соф севгимизга тақдирнинг бу чигаллиги айрилиқ соясини ташлади. Олий ўқув юртини тугатиб, Тошкентда қолиб кетдим. Элбек Москвада ўқишни давом эттириб, рус қизига уйланиб, қайтиб келмади. Ота-онам менинг бир уйнинг бекаси, бола-чақали бўлишимни истарди. Элбекдай ҳеч кимни севолмасам керак, деб ўйлардим. Келган совчиларга нимани-дир баҳона қилиб, рад жавобини берардим. Ўзим тенгилар оила қуриб кетишди.

37 ёшимда яқин бир дугонамнинг маслаҳати билан таҳририятга мурожаат қилдим. Ўзимдан икки ёш катта бўлган йигитнинг телефон рақами ва манзилини беришди. Танишдик. У ота-онамга ҳам ёқди. Ихчамгина тўй ўтказдик. Ҳозир фарзандимиз бор. Севимли газета жамоасидан бир умр миннатдорман.

**Нурия».**

**ТАҲРИРИЯТДАН:**

**«Бахтли бўлинг» рукнига хат йўллаётган ёки бевосита мурожаат қилаётган фуқаролар ўзлари билан паспортлари нусхаси ҳамда яшаш жойидан (маҳалла қўмитасидан) маълумотнома тақдим этишлари шарт. Шунингдек, ажрашганлар бўлса, суд қарорининг нусхасини топширишлари талаб этилади. МУРОЖААТ УЧУН ТЕЛЕФОН: 234-25-46**


## «ЎКТАМХОН-НУР» ўқув маркази

**қуйидаги ўқув курсларга ўқишга таклиф этади.**

**Ўқишга қабул ҳар куни**

**Тикувчилик** — 3 ой, бошловчилар — 6 ой.
**Тўй ва оқшом либослари** — 1-2 ой.
**Аёллар костюм-шими, плаш-пальто** — 1-2 ой.
**Ҳамширалар** — 6 ой. 4 ойи ўқиш, 2 ойи амалиёт.
**Тиббий массаж** — 2 ой амалиёт билан. Нуқтали — 1 ой.
**Торт ва пишириқлар амалиёти билан** — 2 ой.
**Пишириқлар олий курси** — 1 ой.
**Уйғурча таомлар ва салатлар** — 1 ой, амалиёти билан.
**Аёллар сартарошлиги** — 3 ой, амалиёт билан.
**Сартарошлик** — 3 ой, амалиёти билан.
**Тўй ва оқшом турмаклари ва макияж** — 1 ой.
**Бухгалтерия ҳисоби** — 3 ой.
**Парда ва чойшаблар** — 1 ой амалиёт билан.
**Сартарошлик** — 2-3 ой ўғил болалар учун. Салонда
**Каштачилик** — 3 ой машинкада вишивка.
**Инглиз тили** — 3 ой, бошловчилар — 6 ой.
**Рус тили** — 3 ой, бошловчилар — 6 ой.
**Бисер тикиш, яъни мунчоқ тикиш** — 2 ой.
**Сунъий гул ясаш** — 1-2 ой.
**Компьютер сабоқлари** — 2 ой. Интернет — 1 ой
**Арабча ва миллий рақс** — 3 ой.

**Машғулотлар амалиёти билан**

■ **Ётоқхона мавжуд**

**Ўқишни тугатганларга ДИПЛОМ берилади**

Манзил: Юнусобод тумани, 3 мавзе, 1-уй, 31-хона.
Мўлжал: Юнусобод деҳқон бозори орқасида. Тел: 221-17-95, 221-77-72 кундузи, 225-97-93 18:00дан 22:00 гача.



**Муассислар: Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси, Болалар жамғармаси ва «Соғлом авлод учун» Халқаро жамғармаси**

Фойдаланилмаган қўлёзмалар таҳлил қилинмайди, муаллифларга қайтарилмайди, ёзма жавоб берилмайди.

*«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.*
Босишга топшириш вақти – 15:00
Босишга топширилди – 16:00

**Бош муҳаррир: Норқобил ЖАЛИЛОВ**

Қабулхона: (тел, ва факс) 233-28-20
Мухбирлар: 233-04-35, 234-25-46

**МАНЗИЛИМИЗ:**
Тошкент – 700000
Амир Темур кўчаси, 1-тор кўча, 2-уй
Мўлжал: «Олой» бозори ёнида

Web-site: oilavajamiyat. uz

E-mail: oilavajamiyat@sarkor.uz

Газета таҳририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.

**ОБУНА ИНДЕКСИ** – 176

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида **0169**-рақам билан **11. 01. 07**да рўйхатга олинган.
Буюртма Г – 632. Формати А–3, ҳажми 4 табоқ.
Адади – 9440
Навбатчи — **Барно СУЛТОНОВА**
Саҳифаловчилар — **Илҳом ЖУМАНОВ, Шерзод БАРОҚОВ**
Мусаҳҳиҳ — **Саидғани САЙДАЛИМОВ**

ISSN 2010–7609

1 2 3 4 5 6 7 8 9